

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА  
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ»  
ЙЎНАЛИШИ**

**«ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМ АШЁСИНИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўқув-услубий мажмуда**

**Тошкент-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК  
МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ  
йўналиши**

**“ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМ  
АШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ - 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

<b>Тузувчи:</b>	ТошДАУ “Доривор ўсимликлар” кафедраси профессори А.К.Ганиев
<b>Тақризчи:</b>	Хитой Пекин университети профессори Зонгвен Занг

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 7 декабрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	10
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	22
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	97
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	108
VI. ГЛОССАРИЙ .....	113
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	116

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур мақсади - Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрида”ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришидир.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим муассасаларида доривор ўсимликларни етиштиришда қўлланиладиган сувтежамкор технологиялар, доривор ўсимликлар географияси, экологияси ҳамда етиштириш агротехнологияси, доривор ўсимлик турлари ва навлари, доривор ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари, доривор ўсимликлар интродукцияси борасидаги назарий-услубий муаммолар, тамойиллар, амалий ечимлар, илғор давлатларнинг тажрибаси ҳамда меёрий-хукуқий хужжатларнинг моҳияти баён этилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлашнинг замонавий усуллари” модулининг мақсади:** олий таълим муасасалари педагог

кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг тингловчилариiga доривор ўсимликлар хом ашёларини тайёрлаш технологияси ва агротехник чора тадбирларнинг назарий ва амалий асосларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда қўллашнинг малакавий кўникмаларини шакллантиришда инновацион ёндашувлар асосида соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнингижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган маҳорат ва компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

**“Доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлашнинг замонавий усуллари” модулининг вазифалари:** олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг тингловчилариiga чет эл флорасига мансуб истиқболли доривор ўсимлик турларини танлаш ва етиштириш технологияларини ишлаб чиқиши;

- турли иқлим шароитларида доривор ўсимликларни тайёрлаш ва бирламчи ишлов бериш;
- хом ашё тайёрлаш мавсумларини ўрганиш;
- табиий доривор хом ашёларни йиғиши;
- доривор хом ашёларни сақлаш;
- хом ашёни тайёрлаш, қуритиш ва сақлашнинг дастлабки босқичларини ўргатишдан иборат.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлашнинг замонавий усуллари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

-доривор ўсимлик турларининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда йиғиши, сақлаш ва бирламчи ишлов беришнинг назарий ва амалий асосларини;

- доривор хом ашёларни тайёрлаш худудларини аниқлашни;
- доривор хом ашёларни тайёрлаш мавсумлари бўйича **билимларга эга бўлиши лозим.**

- истиқболли доривор ўсимлик турлари хом ашёси ва уларнинг биоэкологик хусусиятлари;
- доривор ўсимлик турларидан хом ашё йиғиши усуллари;
- доривор ўсимлик хом ашёси тайёрлашда уларнинг биоэкологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш ташкил этиши;
- доривор ўсимлик хом ашёларини йиғиши мавсумлари ва қуритиш

усуллари бўйича умумий **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

- доривор хом ашё маҳсулотларини хосилдорлигини башорат қилиш;
- доривор ўсимлик турларига биоэкологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда сақлаш ва ишлов бериш усусларини қўллай олиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги **“Доривор ўсимликлар интродукцияси”** ва **“Доривор ўсимликлар етиштиришнинг инновацион технологиялари”** ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар республикамизнинг турли иқлим шароитларида (табий, маданий, тоғ, чўл ва ҳакозо ерларда ва б.к.) доривор хом ашё тайёрлаш усусларининг назарий ва амалий асослари ва аҳамияти, доривор хом ашё тайёрлашнинг моҳияти ва усуслари, иқлим ва тупроқ шароитлари ҳамда хом ашё етиштиришнинг агротехник чоратадбирлари борасидаги инновацион ёндашувлар асосида йўналишлари профилига мос зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				<b>Кўчма машгулот</b>	
		<b>Ҳаммаси</b>	Аудитория ўқув юкламаси				
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий машгулот</b>		
1.	Доривор ўсимликлар тайёрлаш жараёни ва маҳсулот сифати бўйича халқаро андозаларнинг шаклланиши	2	2	2			
2.	Доривор ўсимликлар тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик.	4	4	2	2		
3.	Доривор маҳсулотлар йиғиш, сақлаш ва ишлов бериш.	2	2	2			
4.	Доривор хом ашёларни халқаро андозаларга мос ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш муаммолари.	2	2	2	2		
5.	Доривор ўсимлик турларидан хом ашё йиғиш усуллари	2	2		2		
6.	Доривор ўсимлик турларига биоэкологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда сақлаш ва ишлов бериш усуллари	2	2		2		
7.	Доривор хом ашё маҳсулотларини хосилдорлигини башорат қилиш	2	2		2		
8.	Истиқболли доривор ўсимлик турлари хом ашёси ва уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш	2	2		2		
9.	Доривор ўсимлик хом ашёларини йиғиш мавсумлари ва куритиш усуллари	6				6	
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>6</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Доривор ўсимликлар тайёрлаш жараёни ва маҳсулот сифати бўйича халқаро андозаларнинг шаклланиши.

Доривор ўсимликларни тайёрлаш жараёнлари. Доривор ўсимликлар хом ашёси бўйича халқаро андозалар. Доривор ўсимликлар хом ашёлари сифатини бошқариш.

**2-Мавзу:** Доривор ўсимликлар тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик.

Доривор ўсимликлар хом ашёси тайёрлаш бўйича халқаро ташкилот ва меъерий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасида доривор хом ашё тайёрлаш борасида халқаро ҳамкорлик.

**3-Мавзу:** Доривор маҳсулотлар йиғиш, сақлаш ва ишлов бериш.

Доривор ўсимликларни йиғиш усуллари. Доривор ўсимликларни сақлаш ва уларга бирламчи ишлов бериш усуллари.

**4-мавзу:** Доривор хом ашёларни халқаро андозаларга мос ҳолда етишириш ва қайта ишлаш муаммолари.

Табиий доривор хом ашё тайёрлаш муаммолари. Маданий доривор хом ашё тайёрлаш муаммолари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Доривор ўсимликлар тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик.

**2-Мавзу:** Доривор хом ашёларни халқаро андозаларга мос ҳолда етишириш ва қайта ишлаш муаммолари.

**3-Мавзу:** Доривор ўсимлик турларидан хом ашё йиғиш усуллари.

**4-Мавзу:** Доривор ўсимлик турларига биоэкологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда сақлаш ва ишлов бериш усуллари.

**5-Мавзу:** Доривор хом ашё маҳсулотларини ҳосилдорлигини башорат қилиш.

**6-Мавзу:** Истиқболли доривор ўсимлик турлари хом ашёси ва уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш.

**Кўчма машғулот:** Доривор ўсимлик хом ашёларини йиғиш мавсумлари ва қуритиш усуллари.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"><li>• якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li><li>• кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li><li>• ахборотни умумлаштириш;</li><li>• ахборот таҳлили;</li><li>• муаммоларни аниқлаш</li></ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"><li>• индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>• муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li><li>• асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li></ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"><li>• индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>• муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li><li>• ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li><li>• муқобил ечимларни танлаш</li></ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"><li>• якка ва гурӯҳда ишлаш;</li><li>• муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li><li>• ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li><li>• якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li></ul>

**Кейс.** Лабораторияга янги юқори самарали хроматографи ўрнатилди. Аммо ишга туширишнинг имкони бўлмади.

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** юқори самарали суюқлик хроматография усулининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

	юқори самарали суюқлик хроматография усулининг кучли томонлари	Бир вақтнинг ўзида текширилувчи модданинг ҳам чинлиги, ҳам тозалаги ва ҳам миқдорини аниқлашга имкон беради.
	юқори самарали суюқлик хроматография усулининг заиф томонлари	Асбоб маҳсус билим ва кўникма талаб этади.
	юқори самарали суюқлик хроматография усулидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	Интернет билан боғланган.
	Тўсиқлар (ташқи)	Электр бўлмаса ишламайди.

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Доривор ўсимликлар кимёвий таркибининг фармакологик фаоллигига таъсири”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл ёки 0,1-0,5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### Тест

- СФ усулида қандай кўрсаткич аниқнилади?
- А. Нур синдириш
- Б. Нур ютиш
- С. Нурни буриш



- СФ усулидан фойдаланиш имкониятларини қиёсий таҳлил қилинг



#### Тушунча таҳлили

- Спектрофотометрия усулини изоҳланг...



- Спектрофотометрия усулида дори модданинг чинлиги, тозалиги ва микдорини ўрганинг

## **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади

### **Намуна:**

Замонавий асбоблар					
ЮССХ		Хроматомасс		ЯМР	
афза ллиги	камч илиги	афза ллиги	камчи лиги	афза ллиги	камч илиги
<b>Хулоса:</b>					

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			

“—” бу фикр ёки мазкур маълумотга  
қаршиман?

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниqlайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Модулдаги таянч иборалар таҳлили”**

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маъниони англатади?	Қўшимча маълумот
Муаммоли ўқитиш	мантиқий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) хисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усулларини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими	
Кейс-стади	«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиш	
Педагогик технология	ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳа	
Фармацевтик кимё	Дори моддаларининг физик-кимёвий хусусиятлари, олиниши, таҳлили, таҳлил усулларини ишлаб чиқиши, стандартлаш тўғрисидаги фан	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик групхларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан групх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаланиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Мутахассислик фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқланиши бўйича**



**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўплланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Дори воситаларининг сифат кўрсаткичларини меъёрий хужжатларда келтирилиши» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!**

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Тасвирланиши					
Чинлиги					
Хлоридлар					
Эрувчанлиги					
Микдорий таҳлили					
Сақланиши					

**“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

**Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**“Портфолио” методи**

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио

мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Грухий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар грухи, тингловчилар грухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Доривор ўсимликлар тайёрлаш жараёни ва маҳсулот сифати бўйича халқаро андозаларнинг шаклланиши

Режа

- 1.1.Доривор ўсимликларни тайёрлаш жараёнлари.
- 1.2. Доривор ўсимликлар хом ашёси бўйича халқаро андозалар
- 1.3. Доривор ўсимликлар хом ашёлари сифатини бошқариш.

*Таянч иборалар: дори воситалари, сифатни таъминлаш тизими, GMP, GLP, GACP*

**1.1. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида жаҳон андозалари ва тажрибалари.** ДВ дунёning барча мамлакатларида талаб этиладиган универсал маҳсулот бўлиб, унинг сифати инсон организмига ҳавфсизлиги ва самара-дорлиги билан белгиланади. ДВ нинг дунё бозоридаги нархи 600 миллиард АҚШ доллардан ортиқ баҳоланган (2009 й), 12% миллатлараро фармацевтик компаниялар ўзнинг маҳсулоти билан қарийб дунё фармацевтика бозорининг 80% ни қамраб олган ва у ДВ га дунёвий аҳамиятга эга бўлган маҳсулот сифатида қарашга олиб келмоқда. Бу эса турли регион ва мамлакатлар ўртасида дори воситалари муомаласи соҳасидаги барча меъёрий ва қонун чиқарувчи актларни уйғунлаштириш зарур эканлигини тақазо этмоқда.

Бугунги кунга келиб дори восталари муомаласи соҳасида ҳужжатларни тартибга солиш бўйича бир қанча ҳалқаро ва регионал ташкилотлар фаолият юргазмоқдалар, масалан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO), фармацевтик инженеринг ҳалқаро ассоциацияси (“International Society for Pharmaceutical Engineering”- ISPE), “фармацевтик инспекциялар (GMP бўйича инспекторлар) ҳамкорлик схемаси” (“Pharmaceutical Inspection

Cooheration Scheme" -PIC/S), ҳалқаро фармацевтик ташкилот (FIP), регионал: ДВ рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғулаштириш (гармонизациялаш) бўйича Ҳалқаро конференция – ICH (International Conference of harmonization), Осиё жануби-шарқий давлатларининг ҳамдўстлик ташкилоти (ASEAN), Европа фармакопеясини яратиш бўйича Конвенция<sup>1</sup>.

Дунёнинг кўпгина давлатларда тиббиётда қўллашга рухсат этилган ва фойдаланишга кириб келаётган ДВ нинг сифати уларни ишлаб чиқариш жараёнини лицензиялаш орқали таъминланмоқда. Бунда ДВ яхши ишлаб чиқариш амалиёти - GMP - Good Manufacturing Practice (ДВ ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидалари) тамойилларининг талаблари асосида ишлаб чиқарилиши керак бўлади.

Дори воситаларининг дунё бозори талабларига мос келишини тасдиқлаш учун муайян сертификатлаштириш жараёнини ўтказиш зарур. ДВ муомаласи соҳасидаги сертификатлаштириш уларнинг сифати, ҳавфсизлиги ва самарадорлиги, шунингдек сифатни таъминлаш ва сифатни бошқаришни мослигини тасдиқлаш билан боғлиқ. Ҳалқаро бозордаги савдо-сотиқ учун ДВ ни сертификатлаштириш тизими WHO томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий қисми бўлиб GMP талабларига мос келиши хисобланади. GMP талабларига риоя қилишдан ташқари ишлаб чиқарувчилар учун мамлакатда дори воситаларини рўйхатдан ўтказувчи ва уларни доимий текширувчи (2 йилда 1 мартадан кам бўлмаган) инспекция тизими ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган бўлиши зарур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) Бирлашган миллатлар ташкилотининг маҳсус агентлиги сифатида 1948 йилда ташкил топган. Бугунги қунда 192 та давлат мазкур ташкилотга аъзо. Унинг фаолиятини дунёнинг айrim регионларида жойлашган 6 та регионал бюородан ташкил топган штаб-квартира секретариати бошқаради. Ташкилотнинг салмоқли ишлари аъзо-давлатлар томонидан олиб борилади. Мазкур ишларни

---

<sup>1</sup> . International Conference of harmonization [www.ich.org](http://www.ich.org)

Соғлиқни сақлаш вазирликлари, марказлар, WHO эксперлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ва мутахассислар бажарадилар.

WHO нинг стратегик мақсади қуидагилардан иборат:

- ўлим, касалланиш ва ишга лаёқатсизликни камайтириш;
- соғлом ҳаёт кечириш тарзини қўллаб – қувватлаш, атроф-муҳит ва касалликлар билан боғлиқ бўлган ҳавф-хатар омилларини камайтириш;
- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш;
- илғор соғлиқни сақлаш ташкилотларининг сиёсатини юргазиш ва ташкил этиши.

WHO нинг Уставига (Конститутцияси) биноан унинг вазифаларига энг аввало озиқ-овқат, дори, биологик ва бошқа маҳсулотлар учун ҳалқаро стандартларни ишлаб чиқиши киради. Унинг меъёрий ҳужжатлари мажбурий ҳисобланмайди, балки улардан фойдаланиш характеристи миллий даражада, яъни WHO га аъзо ҳар бир давлатнинг қарорига кўра мажбурий, тафсия даражасида ҳал этилади. Ташкилот таклифлар, услугбий қўрсатмалар ва олиб борилган ишлар юзасидан маъruzалар тайёрлайдиган эксперлар қўмиталарининг ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қиласди<sup>2</sup>.

ДВ учун ишлаб чиқилган талабларни уйғунлаштириш (гармонизация) учун таклиф этилган ташкилот материалларидан GMP ва GCP қоидалари, фармацевтик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш тартиб - қоидалари бўйича таклифлар, турғунлиги ва биоэквивалентликни ўрганиш бўйича услублар, дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналари ва уларни тарқатиш йўлларини инспекциядан (текширувдан) ўтказиш, Ҳалқаро фармакопеялар, ҳалқаро биологик стандартларни тузиш каби фаолиятини алоҳида эътиборга лойик деб такидлаш жоиз.

Инсонлар учун қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғунлаштириш (гармонизациялаш) бўйича Ҳалқаро конференция (ICH). Бутун дунёда фармацевтик ишлаб

<sup>2</sup> The use of essential medicines. Report of the WHO Expert Committee (including the 13th Model list of Essential Medicines). WHO Technical Report Series № 920, 2004, 133 p.

чиқаришда глобалашув жараёнининг ривожланиб кетиши, турли давлатлардаги ҳар хил миллий стандартларнинг мавжудлиги дори воситаларини рўйхатдан ўтказишни қийинлашишига олиб келди ва бу 1989 йилда WHO нинг Парижда дори воситаларини тартибга солиш бўйича бўлиб ўтган конференциясида мазкур масала ўз ечимини топишига сабаб бўлди 1990 йилда АҚШ, Европа ҳамжамияти (ЕХ) ва Япония давлатлари агентлигининг тартибига солиш органлари намоёндалари ва ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси томонидан гармонизациялаш бўйича Ҳалқаро конференция - **ICH** ташкил этилди (ICH Женевадаги фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг Ҳалқаро федерацияси штаб-квартирасида жойлашган).

Бугунга кунга келиб ICH таркибиға 6 та аъзо, 3 та назоратчи (овоз бериш хуқуқига эга эмас) ва фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг Ҳалқаро федерацияси (IFPMA) кирган.

ICH бошқарув органида ЕХ, АҚШ ва Япониядан иккитадан вакил, биттаси давлатнинг назорат органи томонидан, иккинчиси эса мазкур давлатнинг инновацион фармацевтика ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси-томонидан фаолият юргазадилар. Шунинг учун ушбу ташкилотни баъзида “уч томонлама ташаббус” деб ҳам аталади.

1. ЕХ дан:

- дори-дармонларни баҳолаш бўйича Европа агентлиги (EMEA);
- фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг Европа федерацияси (EFPIA);

2. АҚШдан:

- дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича Администрацияси (FDA);
- АҚШ фармацевтика ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси (PhRMA);

3. Япониядан:

- Япония ССВ (MHW)дори воситалари ва тиббий техника, меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Агентлиги ва соғлик сохаси бўйича Миллий илмий институти;

- Япония фармацевтик ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (JPMA).

ICH нинг кузатувчиларига WHO, эркин савдо қилиш Европа Ассоциацияси ва Канада ССВ киради.

Бугунги кунга келиб ICH раҳбарияти қўйидаги 4 та асосий йўналиш бўйича фаолият юритмоқда:

ҳавфсизлик – S (Safety, безопасность)

самарадорлик – E (Efficacy, эффективность)

сифат – Q (Quality, качество)

соҳалараро ҳужжатлар – M (междициплинарные документы)

ICH нинг асосий мақсади:

- инсон, биологик ва материал ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш;

- инновацион препаратларни татбиқ этиш жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этиш;

- сифат, самарадорлик ва ҳавфсизликни таъминлашга риоя қилган ҳолда янги дори воситалардан кўпроқ фойдаланишни амалга ошириш.

ICH нинг вазифалари:

•дори воситаларини амалиётга тезлик билан кириб келишини ва беморларга тез етиб боришини таъминлаш мақсадида тартибга солувчи органлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида конструктив диалог олиб бориш мақсадида форумлар ташкил этиш (дори воситаларини рўйхатдан ўтказишдаги фарқлар);

•дори воситаларининг мониторингини олиб бориш ва уйғунлашган (гармонизация) техник талабларни янгилаш;

•уйғунлаштириш (гармонизациялаш) ёрдамида терапия ва янги технологияларни ривожлантириш мақсадида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш техник талаблардаги фарқни олиб ташлаш;

- уйғунлаштирилган (гармонизациялаш) йўриқномаларни тушунтириш ва тарқатиши;
- талабларни умумлаштириши.

Инсонлар учун дори воситаларини рўйхатдан ўтказишга қўйилган техник талабларни уйғунлаштириш (гармонизациялаш) техник мухокамалар, Давлат назорати, ICH доирасидаги консультациялар, матнларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, ICH қарорларини миллий органлар томонидан қабул қилиниши орқали амалга оширилади. ICH доирасида дори воситасининг ҳавфсизлигини - клиникагача бўлган синовлар (захарлилик, канцерогенлик, фармакокинетика, токсикокинетика, репродуктив заҳарлиликни ўрганиш), клиник синовларни ўтказиш бўйича режаларни тузиш, ҳавфсизлик мониторингини олиб бориш, клиник синовларни ўрганиш режасини тузиш ва назорат қилишда коммуникация муаммолари (фаоллилиги) ва сифат (турғунликни ўрганиш, аналитик усувлар валидацияси, ёт моддаларга синовлар ўтказиш, фармацевтик ишлаб чиқариш ва спецификация) каби саволларга ечим топилади.

#### ICH Q10- мақсадлари:

- “Маҳсулотнинг бозордаги айланмаси”- ишлаб чиқариш, истеъмолчи талабларини таъминлаш (регистрационное досье)
- маҳсулот сифати ва назоратнинг жараёнга нисбатан ҳолати
- яхшиланишларнинг узлуксизлиги таъсири
- GMP талабларининг ICH билан боғлиқлиги.

Дори воситалари сифатини назорат қилиш:

- ICH Q9 (управление рисками качества) «Сифат: маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етиб боргунча бўлган жараённи талабга жавоб бериш даражаси» (ICH Q6A)
- ICH Q6A «Талаблар: bemorlar kutaётgan natижаларни beradigan talablar va maҳsulot ishlab chiqariш ва isteъmolchiga etib borguncha bўlган жараёнга қўйилган талаблар».

- ICH Q6A «Сифат: қўлланишга тавсия қилинган дори моддаси ва дори препаратининг яроқлилиги».

Шундай қилиб ICH доирасидаги услубий қўлланмаларни тузища асосан WHO, Япония, Европа иттифоқи давлатлари ва АҚШ нинг клиник синовларни ўтказиш бўйича қоидалардан (GCP) фойдаланилган ва унда мазкур ҳужжатларнинг уйғунлашуви ўз ифодасини топган.

Стандартлаш бўйича Ҳалқаро ташкилот (**International Organization of Standardization- ISO**)<sup>3</sup> Бирлашган миллатлар ташкилоти (ООН) томонидан 1946 й октябр ойида ташкил этилган.

Унинг асосий вазифаси - ҳалқаро савдо-сотик ва илмий-техникавий тариққиёт ривожланишига кўмаклашадиган ҳалқаро стандартларни (тавсияномалар) ишлаб чиқиш. Жами ISO таркибида 100 қўмита-аъзолар, улардан ташқари аъзо-мухбирлари бор (ривожланаётган мамлакатлар учун). Ҳалқаро стандартларни (тавсияномалар) ишлаб чиқиш учун қатор комиссия ва қўмиталар ташкил этилган ва тасдиқланган. Буларга:

- Ҳалқаро электротехника комиссияси (МЭК) тиббиёт электротехника воситаларининг ҳавфсизлигини белгилаб берадиган стандартларни ишлаб чиқувчи қўмита.
- Меъёрлаштириш бўйича Европа қўмитаси (ЕКН),
- Электротехникавий меъёрлаштириш бўйича Европа қўмитаси (ЕКЭН),
- Сифатни назорат қилиш бўйича Европа ташкилоти (ЕОКК) ва ошқалар киради.

МЭК ва ISO да жами ташкил этилган:

Тиббиёт маҳсулотларини стандартлаш бўйича 14 техника қўмитаси; секретариатлар - 7 тасини Германия, 3 - АҚШ, 2 – Буюк Британия, 1-Швеция ва 1- Дания олиб боради.

ISO илк бор 1987 й Британия стандарти 5750 асосида ISO 9000 сифат тизими бўйича ҳалқаро стандартини ишлаб чиқди. 1994, 2000 ва 2008 йй

---

<sup>3</sup> International Organization of Standardization- ISO [www.iso.org](http://www.iso.org)

мазкур стандарт қайта кўриб чиқилди ва унга стандарт сифатида эмас балки сифат менеджменти тизими (СМТ) сифатида қараладиган бўлди.

*ISO нинг ташкилий тизими раҳбар органлар ва. техник қўмиталардан иборат. Раҳбар органларга Генерал ассамблея ва кенгаш кирса, техник қўмиталарга техник раҳбар бюро, комитетлар ости ва техник консультатив гурухлар киради.*

ISO 9000 серия қоидаларини 190 тадан ортиқ мамлакатлар қабул қилган.

ISO 9000 серия қоидалари маҳсулотнинг ҳаётий даврини барчасини ўз ичига олиб, унда сифатга қўйиладиган талаблар истеъмолчининг шахсан иштирокида ишлаб чиқилади. Сифатни таъминлашнинг анъанавий усулларида сифат билан боғлиқ бўлган муаммоларни турли хил тузатишлар киритиш ёрдамида ҳал этилар эди. Эндиликда мазкур қоидаларга муаммоларни ечиш бўйича талаблар киритилди.

Шунингдек, аудит жараёнига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Агар аввалари аудиторнинг вазифаси фақатгина сифатнинг қўйилган стандартда келтирилган талабларга мос келишини текширишдан иборат бўлса, эндиликда ISO стандартларининг янги таҳририда СМТ таркибига сифатни доимий равища мукаммаллаштириш жараёнини киритиб бориш талаб этиладиган бўлди. Шундай қилиб, аудитор фақатгина сифатнинг қўйилган стандартда келтирилган талабларга мос келишини текширибгина қолмай, балки олинган натижаларни таҳлил этиб, доимий равища сифатни ошириб бориш устида ҳам ўйлаши талаб этилди.

Бугунги кунда янги ISO 15378:2006 ҳужжат ишлаб чиқилди. Мазкур стандарт фармацевтика соҳаси эксперtlари иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, у сифат менежменти ISO 9001:2000 ва тиббиёт маҳсулотларни ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш ва бирламчи ўрам материалларни етказиб бериш бўйича GMP тамоилларини ўз ичига олган.

ISO 9000 – 3 та асосий стандарт ва турли хил раҳбар йўриқномаларни ўз ичига олади.

- ISO 9000:2005 Сифат менежменти тизими – Асосий қоидалар ва лугат;
- ISO 9001:2008 Сифат менежменти тизими – талаблар (сертификатлаштириш учун қўлланиладиган ҳалқаро стандарт);
- ISO 9004:2009 Сифат менежменти тизими - фаолиятни яхшилаш бўйича таклифлар (доимий юқори ютуқларга эришиш учун ташкилот раҳбарияти сифат менежменти тизимидан қандай фойдаланиш кераклиги ифодаланган).

ISO 9004:2009 да ICHQ10 дан фойдаланиш таклифлари берилган бўлиб, унинг асосида PDCA (Plan-режа, Do-бажар, Check-текшириш ва Act - ҳаракат қил (воздействуй)) мажмуаси ётиби.

## **1.2. Дори воситаларини GMP, GLP, GACP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқариш.**

Дори воситалари сифатини ҳалқаро талаблар асосида назорат қилиш кўздатутувчи маълум қоидалар мавжуд<sup>4</sup>. Фармацевтик инспекциялар (GMP бўйича инспекторлар) бўйича ҳамкорлик конвенцияси (PIC). Мазкур Конвенция 10 та Европа давлатлари ва Австралиянинг Соғлиқни сақлаш миллий органлари томонидан 1970 йилда имзоланган. PIC нинг асосий мақсади:

- GMP бўйича инспекцияларни ўзаро тан олиш;
- GMP талабларини уйғунлаштириш;
- фармацевтик инспекциялар тизимининг бир хиллигини таъминлаш;
- GMP инспекторларини тайёрлаш;
- маълумотлар билан алмасиш;
- ўзаро ишонч.

Ўтган асрнинг 90 йиллар бошларида Европа иттифоқи ва PIC ўртасида келишмовчиликлар юзага келди. Бунга сабаб PIC аъзоси бўлган баъзи Европа иттифоқи давлатлариға Конвенцияга аъзо бўлмоқчи бўлган Европага кирмаган давлатлар билан битим тузишга рухсат берилмади. Бу вақтда

---

<sup>4</sup> Introduction to Quality Control. ISBN-13: 978-4906224616 ISBN-10: 490622461X [Kaoru Ishikawa](#)

мазкур давлатлар билан битим тузиш ҳуқуқи фақат PIC аъзоси бўлмаган Европа Комиссиясига берилган эди.

Шунинг учун PIC ни кенгайтириш мақсадида 1995 йилда фармацевтик инспекциялар бўйича ҳамкорлик схемаси –PIC/S тузилди. PIC/S таркибиغا давлатлар эмас балки GMP қоидаларига риоя қилишни таъминловчи PIC/S аъзоси бўлган 26 та давлатнинг инспекторлари кирди.

PIC/S нинг мақсади:

- GMP бўйича инспекциялар соҳасидаги масъул давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

- масъул давлат органлари ўртасида маълумотларни тақдим этиш ва тажриба алмашиш;

- GMP инспекторлари ва экспертларини тайёрлашни мувофиқлаштириш;

- дори воситаларини ишлаб чиқарувчilarни инспекциялаш жараёнлари ва техник стандартлари, шунингдек дори воситалари сифатини назорат қилиш лабораторияларидаги назоратни уйғунлаштириш ва такомиллаштириш;

- GMP ни ривожлантириш, уйғунлаштириш ва қўллаб-куватлашда кўмаклашиш;

- глобал уйғунлаштириш мақсадида эквивалент стандартлар ва жараёнлар ҳисобига масъул давлат органлари ўртасида кооперацияни кенгайтириш.

PIC/S дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг GMP талабларига жавоб беришини текширувчи давлат органларини инспекцияловчи нуфузли ҳалқаро орган бўлиб, инспекциялаш тизими, GMP талабларига мос келиши хақида хulosса бериш; қонуний талабларнинг бажарилиши юзасидан назоратни, шунингдек инспекторлар ва экспертларни тайёрлашни таъминлайди.

Яхши ишлаб чиқариш амалиёти - GMP - Good Manufacturing Practice – бу сифатни таъминлаш тизимининг бир қисми бўлиб, у маҳсулотни доимий

ишлиб чиқарилишини ва сифат стандартлари асосида назорат этилишини таъминлайди. GMP қоидалари биринчи навбатда ҳар бир фармацевтик ишлиб чиқаришда бўлиши мумкин бўлган ва тайёр маҳсулотнинг назорат партияларини текширишлар ёрдамида йўқотиб бўлмайдиган ҳавф-хатарни камайтиришга қаратилган. Шу жумладан, доривор ўсимликлар асосида олинадиган дори воситаларининг сифатини таъминлашга оид GACP - яхши этиштириш ва тайёrlаш амалиёти қоидалари ишлиб чиқилган<sup>5</sup>.


GMP нинг ilk қоидалари 1963 йилда АҚШ да қабул қилинган ва тадбиқ этилган. Унга кўра:

- дори воситаси сифати тайёр маҳсулот таҳлили орқалигина таъминланмайди;
- у дори воситасини ишлиб чиқариш жараёнида таъминланиши лозим;
- бу жараённи назорат қилиш лозим;
- GMP фармакопеявий назоратни оширади.

---

<sup>5</sup> National policy on Traditional Medicine and Regulation of Herbal Medicines: WHO, Geneva, 2005, p.156.

## GMP концепцияси



Яъни GMP бу:

- фактгина энг яхши маҳсулотларни ишлатиш;
- ўз вазифаларини тўлиқ ва сидкилдан адо этадиган юқори малакали ходимлар;
- сифатни таъминлаш;
- бажарилиши лозим бўлган жараёнларни расмийлаштириш, улар асосида бажариш ва ниҳоят бажарилган ишларни расмийлаштириш;

- хужжатга мос равища сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш кафолатини берувчи технологиялардан фойдаланиш;
- ҳавф-хатарни олдини олиш;
- тозалик ва гигиенага амал қилишдир.

Бугунги кунда GMP қоидалардан 40 тадан ортиқ мамлакатлар фойдаланмоқдалар ва 140 тага яқин мамлакатлар тан олганлар. Улар асосида миллий стандартлар, жумладан доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди (46). Иштирокчи мамлакатларнинг маҳаллий GMP қоидалари ҳам мавжуд «Соглашения по фарм контролю» (**GMP PIC**), Европа Иттифоқи давлатларининг GMP қоидалари (**GMP EU**), **GMP ASEAN** (**Жануби-шарқий Осиё давлатлари иштирикчиларнинг Ассоциацияси**), шунингдек WHO нинг ҳалқаро талаблари (**GMP WHO**) шулар жумласидандир.

GMP элементлари ДВ ҳаётий даврининг барча босқичларида тадбиқ этилмоқда, яъни яхши лаборатория амалиёти GLP- Good Laboratory Practice, G(Q)CLP - Good (Quality) Control Laboratories Practice, GCP -Good Clinical Practice - яхши клиника амалиёти, GDP-Good Distribution Practice -яхши улгуржи савдо амалиёти (распределение), GSP // GTDP - // Good Storage Practice // Good Trade and Distribution Practice – яхши сақлаш, сотиш ва дистрибуция амалиёти,GPP - Good Pharmaceutical Practice - яхши фармацевтика амалиёти(аптека), GRP - Good Regulation Practice- яхши тартибга солиш амалиёти, GEP – Good Education Practice- яхши таълим олиш амалиёти ва GxP-Good X Practice (кодекслар стандарти).

GMP талаблари асосида ишлаб чиқаришнинг қатъий низомлари: GMP талаблари асосида дори препаратларини ишлаб чиқариш (сифатини назорат қилиш, сифат хатоликлари бошқаруви) орқали дори воситалари сифатини таъминлаш;

- сифат стандартлари асосида маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги ва назорат қилинаётганлигини билдирадиган, сифатни таъминловчи тизим мавжудлиги.

## **Назорат саволлари:**

1. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида қандай жаҳон андозалари билан танишсиз?
2. Дори воситалари сифатни таъминлашда илфор хорижий тажрибалар хақида нималарни биласиз?
3. Дори воситаларини GMP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқаришда қандай сифат мезонларидан фойдаланилди?
4. Дори воситалари сифатини назорат қилишда GLP ҳалқаро талаблари қандай ўрин тутади?
5. Дори воситаларини GACP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқаришда доривор ўсимликларни етиштиршнинг аҳамияти қандай?
6. Дори воситаларини GACP ҳалқаро талаблар асосида ишлаб чиқаришда доривор ўсимликларни йиғиш ва тайёрлашга қандай?
7. Дори воситасига ҳалқоро хужжатларда қандай таъриф берилган?
8. Дори воситаларининг сифатни таъминлаш тизими хорижий давлатларда қандай фарқланади?
9. GMP нима, унинг асосий талаблари қандай?
10. GLP нима, унинг асосий талаблари қандай?
11. GACP нима, унинг асосий талаблари қандай?
12. Дори воситалари сифатни таъминлаш тизимида қандай андозаларни биласиз?

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ICH (International Conference of harmonization) [www.ich.org](http://www.ich.org)
2. The use of essential medicines. Report of the WHO Expert Committee (including the 13th Model list of Essential Medicines). WHO Technical Report Series № 920, 2004, 133 p.

3. International Organization of Standardization- ISO [www.iso.org](http://www.iso.org)
4. Introduction to Quality Control. ISBN-13: 978-4906224616 ISBN-10: 490622461X [Kaoru Ishikawa](#)
5. National policy on Traditional Medicine and Regulation of Herbal Medicines: WHO, Geneva, 2005, p.156.

## **2-Мавзу: Доривор ўсимликлар тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик.**

2.1. Доривор ўсимликлар хом ашёси тайёрлаш бўйича халқаро ташкилот ва меъерий ҳужжатлар.

2.2. Ўзбекистон Республикасида доривор хом ашё тайёрлаш борасида халқаро ҳамкорлик.

*Таянч иборалар: сифатни бошқариши, регламент, сифатни назорат қилиши, назорат таҳлил лабораториялари, GMP, GLP, GCP, GDP ва GSP, экспертиза, стандартлар*

### **2.1. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқаришнинг бугунги кундаги холати**

Дори воситаларининг сифатини таъминлашнинг асосий таомиллари Давлат стандарти билан белгиланади<sup>6</sup>. Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш деганда маҳсулотни белгиланган тартибда ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва тайёр дори воситасини ишлаб чиқариш ҳаётий даврини назорат этиб бориш тушинилади ва у қуидаги қисмлардан иборат:

- сифатни таъминлаш
- яхши ишлаб чиқариш амалиёти
- сифатни назорат қилиш.

Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида сериялаб (туркум) чиқарилаётган дори воситаларининг технологияси ва сифатини назорат қилишда асосий ҳужжат бу ишлаб чиқариш регламентидир. Мазкур регламент ишлаб чиқарувчи корхона билан соҳанинг илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигига ишлаб чиқилади. Регламент таркибида дори

---

<sup>6</sup> Отраслевой стандарт качества лекарственных средств. Основные положения. Издание официальное, Минздрав РУз. – Ташкент, 2002. (Tst 42-01-2002)

воситасининг сифатига қўйилган талаблар келтирилади ва улар худди ФМ, ВФМ ва КФМ каби ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Белгиланган талабларни бажарилиши сифатни назорат қилиш бўлимига юклатилади. Саноат регламенти босқичма-босқич ишлаб чиқилади:

1. Лаборатор регламенти (лаборатория шароитида ишлаб чиқариш).
2. Тажриба – саноат регламент ва лойиха ҳужжатлари асосида (тажриба участкасида дори воситасини ишлаб чиқариш ва унинг сифатини баҳолаш).
3. Тажриба-саноат регламенти ва техник-иктисодий қўрсаткичлари асосидаги лойиха ҳужжатлари бўйича янги дори моддаси ёки дори шаклини ишлаб чиқиш (пускавой регламент).
4. Саноат регламенти. Саноат регламенти бир неча қисмлардан иборат, жумладан техник ва аналитик назорат ўтказиш қисми.

Мазкур қисмда сифатни назорат этиш тартиби аниқ қилиб белгиланган, яъни назорат обьекти ва воситалари, назорат этилиши шарт бўлган ўлчамлар, уларнинг меъёрлари, тозалаш усуллари ва такрорланиши.

Мазкур регламентнинг “ишлаб чиқариш назорати” қисмida назоратнинг босқичма-босқич ўтказилиш тартиби ва кетма-кетлиги баён этилади. Технологик жараённинг таҳлил учун намуна олиш нуқталари ва намуналарни таҳлил қилиш усуллари, шунингдек текширилиши шарт бўлган ўлчамлар рўйхати келтирилади. Регламентда яна хом ашё, ярим тайёр, оралиқ маҳсулот, ёрдамчи воситалар ва тайёр маҳсулотларни назорат қилиш тизими ёритилади, хом ашё ва ёрдамчи воситалар назорати ишлаб чиқаришдан аввал олиб борилади.

Қайд этилган холатларда энг муҳим ўринни аналитик таҳлил усуллари эгаллайди. Жумладан, Хиндистонда қўлланиладиган ўсимлик маҳсулотларини таҳлилида кўплаб замонавий усуллардан фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин<sup>7</sup>. Регламентнинг “охирги (тайёр) маҳсулот тавсифи” бўлимида маҳсулотнинг хоссалари, тури ва қадоқ

<sup>7</sup> Textbook of pharmacognosy and phytochemistry: Biren Shah, A.K. Seth. Elsevier, New Delhi, 2010, p. 578

шакллари, турғунлигига таъсир этувчи омиллар (ёруғлик, намлик, кислород ва карбонат ангидриди, босим, pH ва х.к.) ва б. баён этилади.

Аналитик таҳлил З хил даражада олиб борилади:

Биринчи локал даража - фақат битта жараён (битта реакция, буғлатиш, фильтрлаш ва б.) назорат этилади. Мазкур ҳолатда оралиқ маҳсулот ҳосил бўлади ва у кейинги тозалаш босқичига ўтказилади. Бундай ҳолатларда тезкор усуллар, яъни жараённи тўхтатиб қўёлмайдиган рефрактометрия, колориметрия, pH метрия, ГСХ ва ЮССХ услублардан фойдаланилади.

Иккинчи босқичда назорат ёки аналитик таҳлил технологик жараённинг барча босқичларида, шунингдек тозалаш ва ажратиб олиш каби жараёнларда олиб борилади. Ушбу босқичда ярим тайёр маҳсулот ҳосил бўлади. Ушбу ҳолатларда селлектив физика-кимёвий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: хроматографиянинг барча турлари, спектрофотометрия, полярография, потенциометрик титрлаш ва б. Мазкур назоратнинг мақсади кейинчалик ишлаб чиқаришда тузатиш мумкин бўлган ўлчамларни аниқлашдир.

Назоратнинг энг юқори 3-даражасида тайёр маҳсулотнинг сифати ва сонини, шунингдек хом ашё ва энергиянинг сарф-ҳаражатини ҳам аниқлаш имконини бериши лозим. Таҳлиллар МҲ (ФМ, ВФМ, КФМ) асосида олиб борилади ва бунда усулнинг селективлиги ҳамда аниқлиги аҳамиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида аналитик назоратни олиб бориш сифатни назорат қилиш бўлими ёки техник назорат бўлими (СНҚБ) зиммасига юклатилади. СНҚБ юқори малакали ходимлар, замонавий асбоб-ускуналар тўплами, реактивлар, МҲ да келтирилган аналитик усуллар ва босқичли назоратни ўтқазиш йўриқномалари билан таъминланган бўлиши керак.

СНҚБ ходимлари тасдиқланган йўриқномалар аосида хом ашё, ёрдамчи ва қадоқловчи маҳсулотлар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлардан намуна оладилар ва МҲ мувофиқлиги бўйича кириш назоратини олиб борадилар.

СНҚБ таркиби ишлаб чиқариш хажми ва хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади. Унинг таркибига кўпинча назорат таҳлил (контрольно-аналитическая), биологик, токсикологик ва бошқа лабораториялар киради. СНҚБ корхона директорига бўйсунмайдиган эркин фаолият юритувчи бўлим ҳисобланади (сифатни таъминлаш бўйича Директор). Бўлим корхона директори буйруғи асосида тузилади ва тарқатиб юборилади. СНҚБ бошлиғи корхона директори буйруғи асосида тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. СНҚБ бўлими бошлиғи сифатида бошқарув бўлимида 3 йил фаолият юритган, олий маълумотли фармацевт, химик-технolog, биотехнолог ва тиббиёт ходимларини тайинлаш мумкин. СНҚБ бошлиғи ўз ўринбосарига эга ва унинг фаолияти СНҚБ бошлиғи томонидан белгилаб берилади. Ўринбосар ва бошқа лавозимларга ходимлар СНҚБ бошлиғи тавсияси ва директор буйруғи асосида ишга қабул қилинади ва лавозимидан озод қилинади. Бўлим ўз фаолиятида корхонага ва сифатни назорат қилишга оид қонунлар, услубий қўлланмалар, бўйруқлар ва ишлаб чиқаришдаги сифатни назорат қилишга оид хужжатлар билан ишлайди.

Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида яхши лаборатория амалиёти сифатни таъминлаш тизимининг энг асосий бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади, у GMP талаблари асосида ташкил этилган ва фаолият кўрсатиши керак<sup>8</sup>. Корхонада сифатни таъминлаш тизими фаол ишлаши учун сифатни назорат қилиш бўлими (СНҚБ) ва сифат назорати лабораторияси ташкил этилган бўлиши керак. Сифатни назорат қилишга қўйилган талаблар сифат менежменти тизимининг бўлинмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Корхонада сифатни назорат қилиш учун тегишли тузилиш, штат ва хужжатлар мавжуд бўлиши керак, чунончи:

- инструкциялар ва ишларни тўғри бажариш учун СОЖ (СОП)
- хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлган инструкциялар
- хужжатлар айланишининг тартиб қоидалари

---

<sup>8</sup> Quality assurance of pharmaceuticals. A compendium of guidelines and related materials. World Health Organization Geneva. <http://bookorders.who.int>

- услугий таъминот.

СНҚБ ва лаборатория керакли хоналар, жихозлар, асбоб-ускуналар, реактивлар, стандарт намуналар, жониворлар ва материаллар билан таъминланган бўлиши керак.

СНҚБ нинг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- кириш назорат
- ишлаб чиқаришнинг босқичли (постадийный-операционный) назорати
  - ходимлар назорати
  - атроф-мухит назорати
  - ишлаб чиқариш бинолари ва жихозларининг назорати
  - тайёр маҳсулот назорати
  - тўғрилаш ҳаракатларининг назорати
  - шикоятлар назорати.

Тарозлар турган жой вибрация ва электромагнит нурланишлардан йироқда жойлашган; намуналар олинадиган ва хроматографик асбоб-ускуналар жойлашган хоналарда тортадиган мўрилар билан таъминланган; намуналар олинадиган, спектрал ва хроматографик асбоб-ускуналар жойлашган хоналар бир – биридан ажратилган, шунингдек, архив намуналар, реактивлар, стандарт намуналарни сақлаш хоналари алоҳида жойлашган бўлиши лозим.

Микробиологик ва физик-кимёвий таҳлил лабораториялари алоҳида алоҳида жойлашган, микробиологик лаборатория хонаси ҳавони тозаловчи блок ва ҳавони тортиб олувчи мўри билан жихозланган бўлиши керак.

Лабораторияларда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар, таҳлил усуллари барчаси валидацияланган бўлиши лозим. Шунингдек, асбоб-ускуналар, барча қўлланилаётган кимёвий ўлчов идишлари Давлат стандартининг реестрига киритилган ва сертификатлаштирилган бўлиши талаб этилади. Ўлчов асбоблари йилда бир марта калибрланиб турилиши керак.

Назорат тамоиллари:

- малакали ходимларнинг бўлиши
- раҳбариятга сўзсиз бўйсиниш
- сифатли иш
- ички аудит

СНҚБ корхонанинг бошқа бўлимлари, жумладан корхона раҳбарияти, масъул шахс ва сифатни таъминлаш каби бўлимлар билан ҳамкорликда ишлайди. Лабораторияларда фаолият юритаётган ходимлар доимий равища ўз малакаларини ошириб боришлари лозим. Бунинг учун малака ошириш режаси тузилади, малака ошириш имтихон топширилади ва аттестат олиш билан тугалланади.

СНҚБ нинг вазифалари:

- Дори воситалари ишлаб чиқаришини ташкил этиш, лойихасини тузиш, мухандислик тизими, жиҳозланганлик даражаси, атроф-муҳит таъсири, намуна танлаш, тажрибаларни олиб борилиши, усулларни валидациялаш ва ҳужжатлаштириш
- Ҳужжатлар асосида ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сериясининг сифатини таъминлаш
- ВФМ талабига жавоб бермайдиган дори воситаларининг ишлаб чиқаришни тўхтатиш
- Аналтик таҳлилда ҳар бир жараённинг стандартлар асосида тўлиқ бажарилишини таъминлаш
- Ишлаб чиқаришда сифатини таъминлайдиган жараёнларни самарадорлигини ошириш
- Хом ашё, қадоқлов материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларнинг сифатлилигини таъминлаш
- Тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш, сақланиш жараёнидаги турғунлигини кузатиш
- Хом ашё, қадоқлов материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларнинг сифатлилигини ҳужжатлаштириш

- Ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бошқарув булимига маълум қилиб, уларни ҳал этиш ёки жараённи тўхтатиш
- Ишчи инструкцияларни ишлаб чиқиш (СНҚБ фаолиятига тегишли стандарт операцион жараён -СОЖ).
- Технологик регламентлар асосида дори воситалари сифатини таъминланा�ётганини ички назорат ва аудит ўтказиш билан аниқлаш
- Жой ва жиҳозларнинг валидациясида қатнашиш.
- Ходимларнинг малакасини ошириш ва аттестация жараёнида қатнашиш.
- Ишлаб чиқарилаётган дори воситаси учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш (ФСП, технологик регламентлар, спецификациялар) ва ўзгартиришлар киритиш
- Маҳсулот сифати ҳисоби, ишлаб чиқарилган маҳсулот талабга жавоб бермаган тақдирда таҳлил хатоликларини аниқлаш, ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ҳал қилиш ва ҳисобини олиб бориш.
- Дори воситалари ишлаб чиқаришда микробиологик мониторинг ўтказиш
- Технологик жараёнда ишлатиладиган маҳсус кийимлар назорати
- Тозаланган ва инъекция учун ишлатиладиган сувнинг биологик, физик-кимёвий назорати
- Сифатсиз бўлган дори воситаларнинг йўқотилишини таъминлаш
- Ҳар бир серия маҳсулотларнинг намуналарини талаб этилган шароитларда архивда сақлаш
- Янги аналитик таҳлил усуллар сифатини назорат қилишни таъминлаш ва уларни валидациялаш
- Қадоқлаш ва ёрлиқлашни назорат қилиш
- Маҳсулот турғунлиги назоратини таъминлаш
- Маҳсулот сифатига тегишли рекламациялар ишлаб чиқиш.

Назорат таҳлил лабораторияси ихтиёрида маҳсулот сифатига қўйилган талаблар ва уларни таҳлил усуслари келтирилган хужжатлар, меъёрий хужжатлар (ФМ, ВФМ, КФМ, ДФ, ТХ), ўлчов воситалари ва асбобларни ишлатиш бўйича, тадқиқотлар натижалари ва маълумотларни сақлаш

тизимини белгиловчи ва таҳлилларни олиб бориш тартиби келтирилган хужжатлар бўлиши керак. Шунингдек қайд этиш тизимиға, жумладан таҳлил учун тушган дори воситаларининг намуналари, таҳлил натижалари, хисоблари, таҳлил протоколлари, намуналарни олган шахсларни қайд этиш ва х.к.

Дори воситалари сифатини назорат қилиш марказлари (ёки лабораториялар) регионал аккредитациядан ўтказилган бўлиши ва у ташкилий-услубий, шунингдек ишлаб чиқариш каби фаолият юргазади. Марказ фаолияти бўйича лицензияга, ходимлари эса аккредитациядан ўтган бўлиши керак. Унинг вазифалари ССВ томонидан белгиланган бўлиши керак.

Кимё-фармацевтик, радиофармацевтик, ҳайвон ва ўсимликлардан олинган гормонлар, витаминлар, фермент препаратлар, антибиотиклар, ташхис қўйиш учун мўлжалланган воситаларининг давлат назорати ССВ қошидаги бош бошқармаси томонидан дори воситаларини стандартлаш ва экспертиза қилиш Давлат маркази ёки бошқа аккредитациядан ўтган Марказлар орқали амалга оширилади.

Давлат назоратидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва импорт орқали келаётган барча дори воситалари, тиббиёт техникиси ва тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар ўтказилади.

Дори воситалари сифатининг Давлат назорати қўйидаги тартибда олиб борилади:

- дастлабки назорат;
- кейинги танлаб назорат ўтказиш;
- арбитраж назорат.

Дастлабки назоратдан қўйидаги дори воситалари ўтказилади:

- ЎзРССВ томонидан биринчи марта тиббиётда ишлатишга рухсат этилган;
- саноатда биринчи марта сериялаб ишлаб чиқарилаётган;
- биринчи марта янги технология бўйича олинган янги дозада, дори шаклда ва таркибда сериялаб ишлаб чиқарилаётган;
- сифати ёмонлашгани сабабли Бош Бошқарма томонидан шу назоратдан ўтказиш талаб этилган дори воситалари.

Ишлаб чиқарувчи корхона янги дори воситасини ишлаб чиқариш ҳақида бош Бошқармага маълум қилиб, ундан дастлабки назорат ўтказиш ва препаратни қайд этиш ҳақида рухсатнома олиши, дастлабки сериялардан (5 та дан кам бўлмаган) намуналар юбориши керак.

Сериялардан дастлабки назорат учун намуналар олиш ишлаб чиқарувчи корхонадаги назорат қилувчи хизмат томонидан олиб борилади. Намуналар Бошқармага тасдиқланган рўйхат бўйича юборилади. Инъекцион эритмалар ва кўз томчилари мавжуд инструкциялар талабига биноан «Механические включения» кўрсаткичи бўйича текширилган бўлиб, олинган натижалар назорат таҳлил лабораториялари томонидан Бошқарманинг кўрсатмаларига асосан ёзма равища келтирилган бўлиши керак, ҳамма ишлаб чиқарилган дори воситаларининг намуналари Бошқармага ЎзРССВ да қайд этилган уларнинг дори моддаси (субстанция), шунингдек уларнинг сифатини баҳоловчи ҳужжат билан биргаликда тақдим этилади. Қайд қилиш гувохномасини ёки рухсатномасини олмагунча барча сериялаб ишлаб чиқарилган дори воситалари сотувга рухсат этилмайди. Дори воситаси сифатида (5 та сериядан кам бўлмаган) меъёрий ҳужжат (MX) талабларига жавоб берган тақдридагина Бошқарма томонидан ушбу дори воситаси дастлабки назоратдан кейинги назоратга ўтказилади. (ёзма равища “қайд қилиш варақаси”).

Агар дори воситасининг сифати талабга жавоб бермаса, у дастлабки назоратдан яна қайта ўтказилади, бунда сериялар сони Бошқарма томонидан

кўрсатилади. Дастребки назорат шартнома асосида экспертиза маркази томонидан ўтказилади.

Кейинги танлаб ўтказиладиган назоратдан барча сериялаб чиқариладиган дори воситалари ўтказилади.

Ушбу назоратдан ўтказиш учун намуналар ишлаб чиқарувчи корхонанинг сифатини баҳоловчи мутахассислар томонидан дори воситасини олишнинг барча босқичларида, яъни хом ашёдан тортиб то саклаш жараёнигача олиб борилади.

## **2.2. Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилишнинг жаҳон тажрибаси.**

Бугунги қунга келиб ҳалқаро стандартлар (Европа GMP си) билан уйғуландырылган ЎзР нинг Давлат стандартлари ишлаб чиқилди<sup>9</sup> ва 2013 йил 13 февралда 42-сонли буйруқ ЎзР ССВ томонидан тасдиқланди, “Ўзстандарт” Агентлигига рўйхатдан ўтказилди:

- GMP - “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” GMP Oz DSt 2766:2013 (**Европа GMP си**)
- GLP - “Яхши лаборатория амалиёти” GLP Oz DSt 2762:2013 (**РФ GLP**)
- GCP - “Яхши клиника амалиёти” GCP Oz DSt 2765:2013 (**ICH GCP**)
- GDP - “Яхши дистрибутерлик амалиёти” GDP Oz DSt 2764:2013 (**Европа GDP си**)
- GPP - “Яхши саклаш амалиёти” GSP Oz DSt 2763:2013 (**WHO тавсиялари**)

Тайёр маҳсулот сифатни баҳоловчи Давлат стандарти – Давлат фармакопеясининг “Таблеткалар”, “Инъекцион дори турлари” ва бошқа умумий мақолалари, шунингдек хусусий меъёрий ҳужжатлар (ВФМ, ФМ) бўйича баҳоланади.

---

<sup>9</sup> Oz DSt 2766:2013 - GMP “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти”

Хозирги кунда саноатда ишлаб чиқарилган дори воситалари дорихона рецептурасининг 95% дан ошигини ташкил этиб, уларнинг ишлатилиши янада ошиб бормоқда. Саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг фармацевтик таҳлили биринчи навбатда ишлаб чиқарувчи корхонанинг НТБ (назорат техник бўлими (ОТК)) да, кейинчалик НТЛ (назорат таҳлил лабораторияларда (КАЛ)) олиб борилади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган дори шакллари, индивидуал дори моддалардан фарқ этиб, улар кўп компонентли, яъни таъсир этувчи

моддалар битта бўлмай, бир нечта, шунингдек улар таркибида тўлдирувчилар – шакар, крахмал, тальк, глюкоза, натрий гидрокарбонат ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин. Тўлдирувчилар индифферент бўладилар, аммо уларнинг физико-кимёвий хоссалари танланган таҳлил усулига, дори воситасининг турғунлигига, ташқи кўринишига, сақланишига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун саноатда ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг таҳлил усусларини танлаш нихоятда катта аҳамиятга эга ва бунда ушбу дори воситаси таркибига кирган ҳар бир дори модданинг физикавий-кимёвий хусусиятлари эътиборга олиниши керак<sup>10</sup>.

Намуналар ушбу корхонанинг назорат қилувчи хизмати ва Бошқарманинг (фарминспекция) вакиллари билан биргалиқда олинади. Намуналарни шунингдек Бошқарманинг кўрсатмасига биноан бошқа корхоналарнинг вакиллари билан биргалиқда ҳам (даволаш корхоналари, дорихоналар) олиш мумкин.

Намуналар қадоқланган бирликлар бўйича ташқи кўрикдан (қадоғи ва ёрлиғи бузилмаган) ўтгандан сўнг 3 та босқичда олинади:

1-босқич: қадоқланган ўрамлардан (яшик, қоп, коробка ва б.) бирлик олиш;

2-босқич: ўрамлар ичидаги қадоқланган (флакон, банка, коробка ва б.) бирлик олиш;

---

<sup>10</sup> Oz DSt 2762:2013 - GLP “Яхши лаборатория амалиёти”

3-босқич: бирламчи қадоқдаги маҳсулотдан намуна олиш (ампула, флакон, туб ва б.).

Бирламчи қадоқдаги маҳсулотнинг ташқи кўриниши текширилгандан сўнг сифатни МҲ асосида синовлардан ўтказиш мақсадида намуна таҳлиллар олиб бориш учун етарли микдорда олинади.

Ўртача намуна олиш “ўртача намуна олиш акт”и билан тугалланади. Актда дори воситасининг номи, серия тартиб рақами, дори воситасининг таҳлил учун олинган умумий микдори қўрсатилиши шарт. Акт СНҚБ бошлиғи ва назорат-таҳлил лабораторияси вакили (ёки талабгор) киритилган хайат томонидан тузилади ва имзоланади.

Намуналар корхонанинг хати, ўртача намунани олиш ҳақидаги акти ҳамда ушбу дори воситасининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргаликда Марказга юборилади. Дори воситасининг сифати талабга жавоб бермаган тақдирда Бошқарма ишлаб чиқарувчи корхонага ёзма хулоса ва таҳлил баённомасини тақдим этади.

Арбитраж назорат ўтказиш. Дорилар сифати тўғрисида шубҳа туғилиб, уни етказиб берувчи корхона билан қабул қилиб оловчи муассаса ўртасида келишмовчиликлар бўлганда арбитраж назорат ўтказилади.

Давлат инспекцияси тиббиёт саноати ва фармация бирлашмасига қарашли барча муассасаларда дори моддалари сифати устидан назорат ўтказиши ташкил қиласи ва унинг қай даражада йўлга қўйганлиги, корхоналарнинг дорилар ишлаб чиқариш жараёнида Давлат стандартлари, техник шартлар, Давлат фармакопеяси ва бошқа меёрий ҳужжатлар талабига риоя қилишини текшириб туради. Давлат назорат инспекцияси меёрий ҳужжати бўлмаган ёки унда қўрсатилган талабларга тўла жавоб бермаган дори-дармон ва

тиббиётга зарур техника воситаларини рўйхатдан чиқариш ҳамда уларни тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Кириш назоратидан корхона омборхонасига келиб тушган барча хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотлар ўтказилади. Улардан намуналар олинади.

Намунанинг бир қисми таҳлил учун ишлатилади, иккинчи қисми эса 3 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади. Ёрдамчи маҳсулотлар 3 йил сақланади.

Таҳлил натижалари ижобий бўлган тақдирда материал-техник таъминоти бўлимига хом ашёни ишлаб чиқариш бўлимига ўтказиш учун рухсат берилади. Бунда хом ашёни “ишлатиш мумкинлиги тўғрисида хабар хати” расмийлаштирилади. Агар таҳлиллар натижаси салбий бўлса СНҚБ га хабар берилади, СНҚБ “талабларга жавоб бермаслиги тўғрисида хабар хати” расмийлаштиради ва хом ашё серияси “яроқсиз”деб ёрлиқланади. Яроқсиз деб топилган маҳсулотга акт тузилади ва уни буюртмачи, таъминловчи ва арбитраж назорати вакиллари имзолайдилар.

Босқичма-босқич (операцион) корхона ичидаги назоратини ўтказиш тартиби. Мазкур назорат ишлаб чиқариш таркибига кириб, у жараённи назорат этиш ва керак бўлганда ишлаб чиқариш параметрларини тузатиш учун мўлжалланган жараёндир. Босқичма-босқич корхона ичидаги назорат ишлаб чиқариш регламентига технологик жараёнларнинг мослигини текшириш ва параметрлардан четланишларни ўз вақтида аниқлашни амалга оширади.

Танлаб назоратни ўтказишида қуйидаги васифалар амалга оширилади:

меъёрий хужжат талабларига ускуналар тавсифи ва назорат-ўлчов аппаратларининг мос келиши;

технологик жараёнларнинг риоя этилиши ва оралиқ маҳсулотларнинг сифати;

техник хужжат талабларига хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотларнинг мос келиши;

иш жойларида меъёрий хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг холати;

иш жойлари ва цехларнинг санитар холатлари.

Мазкур назорат бевосита ишлаб чиқариш цехларида цех ходимлари, керак бўлса цех ёки участка бошлиғи иштирокида олиб борилади.

Назоратларнинг яна бир тури бу ходимлар назоратидир. Бунда уларнинг белгиланган талаб асосида ишлаб чиқаришдаги ўз касбига мослиги, гигиенаси, технологик киймини кия олиш ва ундан фойдалана олиши каби томонлари назорат этилади.

Ходимларнинг квалификациясига қўйилган талаблар корхоналарда ишлаб чиқилган касбий йўриқномаларда, гигиеник талаблар эса корхонадаги ички фармойишларда белгиланган бўлади ва улар ходимларга етказилади.

### **2.3. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этилиши.**

Ўзбекистон Республикасида дори соҳасидаги стандартлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, тиббиёт маҳсулотлари, тиббиёт

буюмлари, дори воситалари ҳамда Республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган дори воситалари таркибидаги инсон саломатлиги учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалалари бўйича – ЎзРССВ қошидаги дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиши Бош бошқармаси (ДВТТСНҚ Бош бошқармаси) томонидан амалга ошириб келмоқда.

ДВТТСНҚ Бош бошқармаси ЎзР Вазирлар махкамасининг 1995 йилнинг 5 майдаги 181-сонли карори асосида ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига дори ва ташхис қўйиш воситалари, тиббиёт техникаси, тиббиёт буюмлари устидан давлат назоратини олиб бориш, тиббиёт техникаси ва дори воситаларини экспертиза қилиш, стандартлаш, рўйхатга олиш ва сертификациялаш билан шугилланувчи ташкилотлар ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш ишлари юклатилган.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси қошида 4 та қўмита (фармакопея қўмитаси, фармакология қўмитаси, наркотик моддаларни назорат қилиш қўмитаси, янги тиббиёт техникаси қўмитаси) ва 3 та бўлим (фарм назорат бўлими, сертификация ва рўйхатга олиш бўлими) фаолият юритади.

**Дори воситаларини сифат стандартларини экспертизага тавсия этиш ва тасдиқлаш.** Дори воситаси сифат стандартини ишлаб чиқкан корхона раҳбари томонидан имзоланган МҲ лойихасига қўйидаги хужжатлар кўшиб топширилади:

- дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг бошлиги номига ариза;
- аниқлаштириш хати;
- сифат стандарти лоихасида келтирилган сон кўрсаткичларни тасдиқловчи анализатор жадваллар (дори воситасининг камидаги 5 та сериясида, иммунобиологик препаратлар учун эса намунанинг 3та сериясида);
- дори воситасининг ишлатилиши ҳақида йуриқнома (янги дори воситаси учун);
- препаратнинг патент тозалигини тасдиқловчи патент формулярлари ёки ушбу сифат стандартининг патент тозалигини текшириш шарт эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома (янги дори воситаси учун);
- сифат стандарти лоихасида келтирилган кўрсаткичларни, Давлат фармакопеяси ва чет эл фармакопеяларида келтирилган кўрсаткичлар билан солиштириш жадвали;
- қадоқланган ва ёрлиқланган дори препаратининг намуналари.

Дори воситасининг сифат стандарти лойихасига бериладиган аниқлаштириш хатида қўйидаги маълумотлар баён этилади:

- сифат стандартини ишлаб чиқкан корхонанинг номи;
- препарат синтези ёки технологияси ҳақида қисқача маълумот;
- дори воситаси ёки субстанцияси сифат стандарти лоихасида келтирилган кўрсаткичлар ва меъёрларни аниқлаш усусларининг кенгайтирилган баёни;
- сифат стандартининг лоихаси қандай технологик хужжатлар асосида намунанинг нечта сериясида ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумот;
- Давлат фармакопеясининг умумий талабларидан четланиш кўзатилган тақдирда, бу холат тўла асосланади;

- Дори воситасининг чет элда қўлланиладиган ўхшашлари (аналоглари) бўлса, уларнинг сифатини солиштириб аниқланганлиги тўғрисида маълумот берилиб, ушбу дори воситаси қайси чет эл фармакопеясида ёки бошқа адабий манбада келтирилганлиги кўрсатилади.

Агар дори воситаси янги бўлса бу ҳақида ҳам кўрсатилади.

Аниқлаштириш хати ва тахлил натижаларининг жадвали сифат стандартини лоихасини ишлаб чиқсан корхона раҳбари томонидан имзоланади.

Дори воситасининг сифат стандарти дори воситалари экспертизасининг Давлат маркази томонидан текширилиб, лозим бўлган тақдирда бошқа ихтисослик муассасалари ҳам жалб этилади.

Сифат стандартининг экспертизасида лоиханинг илмий – техник савияси, унинг дори воситалари меъёрий хужжатларига қўйилган замонавий талабларга мослиги текширилиб қўйидагиларга эътибор қаратилади:

- дори воситасининг сифат меъёрлари ва истеъмолчи учун қадоқланиши ДФ ва бошқа стандартларнинг талабига мослиги;
- сифат меъёрлари қийматлари, келтирилган кўрсаткичлар ва яроқлилик муддатининг асосланганлиги;
- кимёвий номенклатура, физикавий бирликларнинг қийматлари, келтирилган атамаларнинг аниқлиги ва бир хилдалиги.

Меъёрий хужжатнинг экспертизасида иштирок этган шахслар ушбу иш жараёнида олинган маълумотларнинг конфиденциаллиги учун масъулдирлар. УФМ, ФМ ва КФМ фармакопея қўмитаси томонидан, Давлат фармакопеяси эса Ўзбекистон Республикасининг ССВ томонидан тасдиқланади.

Дори воситалари экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази (Тиббий маҳсулотларни сертификатлаштириш) нинг худудий органлари мавжуд бўлиб, улар вилоятларда дори воситалари ва тиббий техниканинг сифатини назорат этиб турадилар.

Ўзбекистон Республикасида GMP қоидаларини татбиқ этиш бўйича ишлар бошқа ХД билан бир вақтда бошланди ва 1996 йилда ҳалқаро,

регионал ва миллий талаблар асосида миллий раҳбарий ҳужжат РД Уз 19-01-96 тасдиқланди. Кейинчалик ЎзР фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари сонининг ўсиши (140 тадан ошди) натижасида янги ҳужжат ишлаб чиқилди GMP – соҳа стандарти TSt 19-01:2003 “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)”. ЎзР Президентининг 2012 йил 26 мартағи ПҚ -1731 қарори ва ВМ нинг 2012 йил 10 апрелдаги 23-сонли баённомасида мамлакат иқтисодиёти-нинг фармацевтик секторидаги асосий вазифалар ва йўналишлар белгилаб берилди. Унга кўра маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш маҳсулотларини экспорт қилиш потенциалини кучайтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ЎзР ССВ, “Узфармсаноат”ДАК ва “Узстандарт” Агентлигига WHO GMP қоидалари асосида маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарининг босқичма – босқич ўтиши, миллий стандартларни ҳалқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ва соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш режасини ишлаб чиқиш юклатилди. Мазкур режанинг ижроси сифатида ЎзР ССВ дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош Башқармаси қошида фармацевтика соҳасига ҳалқаро стандартларни жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлим ВМ нинг 2014 йил 10 февралдаги 12-сонли қарори 2.7. бандига биноан фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида тасдиқланган миллий стандартлар GMP, GLP, GCP, GDP ва GSP талабларига риоя этилаётганлигини инспекция қилиш ва мослиги тўғрисида сертификатлар бериш ҳамда юқорида қайд этилган стандартлар асосида миллий инспекторат тайёрлаш бўйича маъсул орган этиб тайинланди. Мазкур бўлимга қуйидаги вазифалар юклатилди:

- Ҳалқаро талаблар асосида меъёрий ҳужжатларини тақомиллаштириш;
- Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарига ҳалқаро стандартларни жорий этиш жараёнини тезлаштириш;
- Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сонини кўпайтириш;

- тасдиқланган миллий стандартлар GMP, GLP, GCP, GDP ва GSP талабларига риоя этилаётганлигини инспекция қилиш ;
- Соҳа мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малақасини ҳалқаро миқёсга кўтариш.

Хозирда ЎзР ССВ томонидан махаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчиларнинг паспортлари тузилди.

Бугунги кунга келиб ҳалқаро стандартлар (Европа GMP си) билан ўйғунлаштирилган ЎзР нинг Давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва 2013 йил 13 февралда 42-сонли ЎзР ССВ томонидан тасдиқланди, “Ўзстандарт” Агентлигига рўйхатдан ўтказилди:

- GMP - “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” GMP Oz DSt 2766:2013 (**Европа GMP си**)
- GLP - “Яхши лаборатория амалиёти” GLP Oz DSt 2762:2013 (**РФ GLP**)
- GCP - “Яхши клиника амалиёти” GCP Oz DSt 2765:2013 (**ICH GCP**)
- GDP - “Яхши дистрибутерлик амалиёти” GDP Oz DSt 2764:2013 (**Европа GDP си**)
- GPP - “Яхши сақлаш амалиёти” GSP Oz DSt 2763:2013 (**WHO тавсиялари**)

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 25 апрелда кабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида”ги қонунида (1999 йил 15 апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) асосий тушунчалар белгилаб берилган.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 декабрдаги 352-сон қарорига биноан дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтқазиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ушбу Низом «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди. Низом қуидаги бўлимлардан иборат:

- I. Умумий қоидалар
- II. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар
- III. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини олиш учун зарур бўлган хужжатлар ва намуналар
- IV. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, гувоҳнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш
- V. Рўйхатдан ўтказиш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши
- VI. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликатлар бериш
- VII. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш
- VIII. Берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалари реестри

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) томонидан қуидаги схема бўйича амалга оширилади.

Хорижий дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар учун рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш Низомга мувофиқ амалга оширилади.

ЎзР ССВ ДВТТСНҚББ да дв сифатини назорат қилиш босқичлари:

*Дастлабки Давлат назорати:*

- Қайд этиш учун тўпланган хужжатларнинг бирламчи экспертизаси;

- Таҳлил усуларининг қайтарувчанлигини лаборатория шароитида апробацияси;
- *ДВ МХ* нинг экспертизаси;
- Эксперт кенгаши томонидан рўйхатдан ўтказиш тартибини қўриб чиқиши.

*Кейинги ўтказиладиган назорат:*

Субстанциялар, ёрдамчи моддалар ва қадоқлов воситаларининг кириш назорати;

ДВ сифатини босқичма -босқич назорат этиш;

Ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулотнинг сифат назорати;

ДВ сертификация учун синовлардан ўтказиш.

**Қайд этиш досьеси (регистрационное досье)**

1- қисм. Умумий ҳужжатлар

2- қисм. Кимёвий, фармацевтик ва биологик ҳужжатлар

3- қисм. Фармакологик ва токсикологик ҳужжатлар

4- қисм. Клиник ҳужжатлар

**Экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш**

1 - қисм. Экспертиза мақсади ва хажмини аниқлаш

2 - қисм. Рўйхатолди экспертизаси

3 - қисм. Ташқи экспертиза (талаб этилганда)

4 - қисм. ДВ ни рўйхатдан ўтказиш бўйича қарор

**Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналар.**

Рўйхатдан ўтказиш учун Бош бошқармага қуидагилар тақдим этилади:

- а) ариза;
- б) белгиланган тартибда йигилган, қисмлар бўйича гуруҳланган, бетлари қисмлар бўйича рақамланиб, тегишли равишда ариза берувчи тадбиркорлик субъекти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларининг бир хилдаги икки нусхаси;

в) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида дори воситаларининг учта саноат серияларида (хорижий дори воситалари учун битта серия) уч маротаба синовлар ўтказилиши учун зарур бўлган миқдордаги ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатларига мувофиқ синовлар ўтказилиши учун зарур бўлган миқдордаги стандарт намуналари, субстанциялар (дори моддалари), ёт ва ўхшаш моддалар стандартлари, махсус реактивлар ва уларнинг сифат сертификатлари.

Бош бошқарма дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ишларини белгиланган тартибда, тегишли бўлимлар орқали амалга оширади.

Бош бошқарма дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тўғрисидаги аризасини ариза қабул килинган санадан бошлаб 180 иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади, рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси беради ёки беришни рад этади.

Бош бошқарма дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш хужжатларини баҳолаш доирасида ишлаб чиқариш шароитларини, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини, сифати, самарадорлиги ва ҳавфсизлиги, қўллашда кутилаётган самаранинг инсон саломатлиги ҳавфига нисбатини дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида мустақил равишда ёки учинчи томонни ёхуд холис экспертларни жалб этган ҳолда қуйидаги экспертиза ишлари, текширувлар, синовлар, таҳлиллар, тадқиқотлар, ўрганишлар ва илмий-техник баҳолашларни ўтказади:

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш хужжатларини экспертизадан ўтказиш;
- дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш шароитлари, ишлаб чиқарувчи муассасанинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат

назоратини олиб бориш қоидалари талабларига мувофиқлигини, сифатни бошқариш тизимини (дори воситаларининг сифатини мувофиқлаштирувчи халқаро стандартлар ишлаб чиқарувчи ташкилотда жорий этилган бўлса) баҳолаш, аниқлаш мақсадида инспекцион текширувлар ўтказиш;

- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг лаборатория синовлари ва таҳлилларини ўтказиш;
- таркибида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бўлган дори воситалари ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
- фармакологик, токсикологик тадқиқотлар ўтказиш;
- клиникадан олдинги тадқиқотлар, биоэквивалентлик синовлар ўтказиш.

Дори воситалари ёки тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказища Бош бошқарма бўлимлари белгиланган тартибда қуидагиларни амалга оширади:

- a) рўйхатдан ўтказиш бўлими:
  - дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш учун ариза қабул қилингандан сўнг ариза ҳамда унга илова қилинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг намуналари ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини бирламчи (дастлабки) экспертизадан (текширувдан) ўтказади. Экспертиза жараёнида ариза ва ҳужжатларни тақдим этишнинг мақсади, дорининг тури ва фармакотерапевтик гурӯҳига мувофиқ талаб этилган ҳужжатлар тўплами кўриб чиқиласди;
  - дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш учун ариза ҳамда илова қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг намуналарини ва рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Давлат марказига, Фармакология, Фармакопея, Янги тиббий техника қўмиталарига, шунингдек Наркотикларни назорат қилиш қўмитасига (дори воситалари таркибида гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этади;

б) Давлат маркази лабораториялари:

- дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, кимёвий, фармацевтик, биологик ва техник қисмларини экспертизадан ўтказади;
- норматив ҳужжатларни баҳолайди, дори воситалари ва тиббий буюмлар намуналарининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича синовлар ўтказади;
- синовлар баённомаларини, дори воситалари ёки тиббий буюмлар хужжатларини Фармакопея, Фармакология ва Янги тиббий техника қўмиталарига тақдим этади;

в) Фармакопея қўмитаси:

- дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, кимёвий, фармацевтик ва биологик қисмларини, лаборатория синовлари баённомаларини экспертизадан ўтказади;
- фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, шунингдек таъсир этувчи ва ёрдамчи моддаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда, ариза берувчидан норматив ҳужжатларга муқобил усусларни, қўшимча таҳлил қилиш кўрсаткичлари ва усусларини киритишни ёки уларни алмаштиришни талаб қиласди;
- мустақил эксперtlарни жалб этган ҳолда рўйхатдан ўтказиш хужжатларини экспертизадан ва такрорий экспертизадан ўтказади;
- текшириш усусларини такрорлаш мумкин бўлмаганда, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, сезгирилиги ва аниқлиги етарли бўлмаганда қўшимча синовлар, шунингдек норматив ҳужжатлар усусларига синовдан ўтказиш талаб қиласдиган ўзгартиришларни киритиш учун Давлат марказининг тегишли лабораторияларига дори воситаларининг намуналарини ва ҳужжатларини юборади;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди;

- тақдим этилган хужжатлар ва экспертлар хulosалари асосида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида Экспертлар кенгашига тавсиялар беради;

г) Фармакология қўмитаси:

- фармакология ва (ёки) дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, фармакологик, токсикологик ва клиник қисмларини экспертизадан ўтказади;

- мустақил экспертларни жалб этган ҳолда фармакологик ва (ёки) дори воситаларининг хужжатларини экспертизадан ёки қайта экспертизадан ўтказади;

- синовлар турларини белгилайди, клиник синовлар ўтказиш учун тегишли клиник базаларни маъқуллайди, клиник синовлар дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар беради ва уларни маъқуллайди;

- тақдим этилган маълумотлар ва экспертлар хulosалари асосида Экспертлар кенгашига клиник синовларсиз ёки клиник синовлар асосида дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида тавсиялар беради;

- дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномани ёки уларга киритиладиган ўзgartиришларни тасдиқлайди;

• фармокологик огоҳлик бўйича фаолиятни амалга оширади;

д) Янги тиббий техника қўмитаси:

- рўйхатдан ўтказиш хужжатларининг маъмурий, кимёвий, биологик, техник қисмларини, лаборатория таҳлиллари баённомаларини, шунингдек клиник (тиббий) синовлар материалларини экспертизадан ўтказади;

- мустақил экспертларни жалб этган ҳолда тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказиш хужжатларини экспертизадан ва такрорий экспертизадан ўтказади;

- тиббий буюмларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, аккредитациядан ўтган лабораторияларда ёки тиббий буюмларнинг ўрнатилган жойида синовларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

- клиник (тиббий) синовлар дастурларини ишлаб чиқиш бўйича

тавсиялар беради ва клиник (тиббий) синовлар дастурларини келишади;

- синовлар турларини белгилайди, клиник (тиббий) синовлар ўтказиш учун тегишли клиник базаларни маъқуллайди;

- тиббий буюмларнинг клиник синовлари ўтказилишини назорат қиласди;

- тиббий буюмларни қўллаш ва маркировка қилиш бўйича йўриқномаларни ёки уларга киритиладиган ўзгартириш ёки қўшимчаларни тасдиқлади;

- тиббий буюмларнинг норматив хужжатларини келишишга ёки тасдиқлашга тайёрлади;

- тақдим этилган хужжатлар ва эксперталарнинг хулосалари асосида Эксперталар кенгашга тиббий буюмларни клиник синовларсиз ёки клиник (тиббий) синовлар асосида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш хақида тавсиялар киритади;

е) Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси:

- таркибида гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган дори воситаларининг рўйхат ўтказиш хужжатларини экспертизадан ўтказади;

- таркибида гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар мавжуд бўлган дори воситаларини экспертизадан ўтказишида давлат назоратида бўлган гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатида ушбу моддаларнинг мавжудлигини, уларни тиббиётда қўллашга рухсатномаларни, шунингдек уларни шифокор рецепти бўйича бериш зарурлигини кўриб чиқади ҳамда Фармакология ва Фармакопея қўмиталарига таклифлар киритади;

ж) Фарминспекция:

- янги дори шакли ёки тиббий буюмнинг турини ишлаб чиқариш, сифатини назорат қилиш ташкил этилган тақдирда дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш ва

сифатни назорат қилиш шароитларининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда сифатни назорат қилиш қоидаларига мувофиқлигини текширади;

• текшириш натижаларига кўра дори воситаси ва тиббий буюмнинг тегишли турини ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш шароитларининг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома беради;

з) Халқаро стандартларни фармацевтика соҳасига жорий этишини мувофиқлаштириш бўлими текшириш натижаларига кўра дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш корхонасининг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

### **Назорат саволлари:**

1. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқаришнинг бугунги кундаги холати қандай?
2. Дори воситалари сифатини назорат қилишнинг қандай жаҳон тажрибаларини биласиз?
3. Тиббий техника сифатини назорат қилишнинг қандай жаҳон тажрибаларини биласиз?
4. Ўзбекистон Республикасида дори воситалари сифатни таъминлаш тизими қандай йўлга қўйилган?
5. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасига Мустақиллик йилларида қандай халқаро стандартлар жорий этилди?
6. “Сифатни бошқариш” ва “Сифатни назорат қилиш” тизимининг фарқи нимада?
7. Дори воситалари сифатини назорат қилишда ишлаб чиқариш регламентининг аҳамияти қандай?
8. Дори воситаларининг сифатини назорат қилиш тизими хақида нималарни биласиз?
9. Дори воситаларининг сифатини назорат қилишда назорат таҳлил лабораторияларининг вазифалари нималардан иборат?

10. Дори воситалари сифатини назорат қилишда қандай стандартлардан фойдаланилади?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Отраслевой стандарт качества лекарственных средств. Основные положения. Издание официальное, Минздрав РУз. – Ташкент, 2002. (Tst 42-01-2002).
2. Textbook of pharmacognosy and phytochemistry: Biren Shah, A.K. Seth. Elsevier, New Delhi, 2010, p. 578.
3. Quality assurance of pharmaceuticals. A compendium of guidelines and related materials. World Health Organization Geneva.  
<http://bookorders.who.int>
4. Д.Х.Шах Стандартные операционные процедуры в фармацевтическом производстве, Киев, «Автограф». 2006г.
5. Oz DSt 2766:2013 - “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” GMP;
6. Oz DSt 2762:2013 - “Яхши лаборатория амалиёти” GLP;

### **3-Мавзу: Доривор маҳсулотлар йиғиш, сақлаш ва ишлов бериш.**

Режа

- 3.1. Доривор ўсимликларни йиғиш усуллари.
- 3.2. Доривор ўсимликларни сақлаш ва уларга бирламчи ишлов бериш усуллари.

**Таянч иборалар:** доривор . хом ашё, йигиши, саклаши, ишлов берииш, омборхона, механизация, омбор заараркунандалари.

Доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, у биологик моддаларни хом ашё таркаибida сақланиб қолишига қаратилган куйидаги тадбирларни ўз ичига олади: доривор ўсимлик хом ашёсини йиғиш, унга бирламчи ишлов бериш, хом ашёни қуритиш, қадоқлаш ва омборхоналарда сақлаш.

Доривор ўсимликларнинг хом ашё қисмларини йиғиш уларда таъсир этувчи моддаларнинг энг кўп миқдорда тўплаган даврида олиб борилади. Ўсимликни ривожланиш жараёнини ўрганиш натижасида унинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг энг кўп миқдорда тўпланишига қараб, хом ашёни оптимал йиғиш муддати белгиланади. Доривор хом ашёни йиғиш муддати тақвим даврларда ифодалансада, лекин улар фақат умумий йўлланма сифатида келтирилади. Баъзан уларни йиғиш риаожланиш фазаси билан тўғри келмаслиги хам мумкин. Ўсимликлар ривожланиши бир неча факторларга боғлик: ўсимлик ўсадиган географик зонага, ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятларига, йилнинг метеологик шароитига, тупроқ шароитига ва бошқалар.

Шунинг учун доривор ўсимликларни хом ашёсини йиғиш даврини аниқ белгилашда ривожланиш фазаларини назарга олиш керак. Бу фазалар айрим ўсимлик турлари учун бир хил бўлмай, уни белгилаш ўсимликнинг турли органларида биологик фаол моддаларнинг максимал мивдорда

тўпланишига боғлиқ. Баъзи ўсимлик вакилларининг алоҳида қисмлари йиғилади, ўсимликнинг хом ашёси қисми йиғилганда, иложи борича керак бўлмаган қисмлари кам аралашган, бегона ўсимликлар умуман аралашмаган ҳолда, тўғри йиғилиши керак. Хом ашёни алоҳида турлари куннинг хар хил соатларида йиғилиши мумкин. Асосан очик хавода, кундузги соатларда хом ашёни йиғиш қулай. хом ашёни эрта сахарлаб ёки қуёш ботгандан сўнг, яъни ўсимликда шудринг бўлган вақтда йиғиш тавсия этилмайди.

Доривор ўсимликлар хом ашёсини йиғиша уларни органлари бўйича тайёрлаш усувлари билан танишиб чиқамиз.

### **Ўтлар –Herba.**

Доривор ўсимлик хом ашёси ўтлар деб қуритилган ёки барра ҳолдаги ўт ўсимликларнинг ер устки қисми тушинилади. Ўтлар ўсимлик гуллагандан, айрим холларда эса ғунчалаган ёки мева тугаёган вақтда йиғилади. Хом ашё барг ва гулли поялардан, қисман ғунчалар ва пишаётган мевалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Баъзи ўсимликларнинг фақат юқори қисми, баъзиларининг эса хамма ер устки қисми илдизи билан биргаликда йиғилади. Сўнгра илдизи ажратиб ташланади. Ёввойи ҳолда ўсуви ўсимлик хом ашёсини, йигувчилар пичоқ, ўроқлар ёрдамида йигадилар. Кўп йиллик доривор ўсимликларни ер остки органлари билан суғуриб олиш ман этилади, уларни ердан 10-15 см юқорисидан қирқиб олинади ва бу билан ўсимликнинг ривожланишини давом этишга имкон беради. Баъзи ўсимликларнинг хом ашёчини йиғиша истисно бўлиши мумкин, масалан аччик эрмон ўсимлигини хом ашё сифатида юқори гуллайдиган поя қисми ўсимлик тўлиқ гуллаган даврда 30 см гача узунликда кесиб йиғилади. Кўпинча йиғиш даври куннинг аниқ вақтига тўғри келади, масалан баъзи алкалоид сақловчи ўсимликлар таркибидаги алкалоид турига қараб кечқурунга нисбатан кундизги соатларида кўпроқ тўпланади, шунинг учун бундай доривор ўсимликларни кундузги соатларда йиғиш тавсия этилади. Ўтларнинг ташқи белгиларини аниқлашда қуролланмаган кўз ёки катталаштирувчи ойна ёрдамида поялар, барглар, гуллар ва меваларнинг тузилишига эътибор

берилади. Поя тузилишида унинг ўзига хос белгилари: оддий ёки тармоқланган шохланишлар, кўндаланг кесмининг шакли цилиндричесимон, тўртбурчаксимон ёки бошқача бўлиши, туклар билан қопланганлиги, поядаги баргларнинг жойланиши(кетма-кет, қарама-қарши, тўп-тўп); гул тўпламиининг тури хамда барглар, гуллар ва меваларнинг тузилиши аниқланади.

### **Барглар –Folia**

Доривор ўсимлик хом ашёси –барглар деб, қуритилган ёки барра холдаги оддий барглар ёки мураккаб баргнинг бўлакчалари тушинилади. Хом ашёнинг турига қараб, барглар қўлда банди билан (масалан алкалоид сақловчи ўсимликлар), бандсиз (юрак гликозиди сақловчи ангишвонагул) ёки уларни бўлаклари билан (зубтурум) чимдим йигилади. Баъзан майда баргларни шохчалари билан ёки бутун ўти билан йигилади ва қуритилгандан сўнг майдалаб ёки чимдим ажратиш йўли билан йигилади. Хом ашё сифатида илдизолди барглар хам бўлиши мумкин, уларни пичоқ ёрдамида илдизига зарар етказмаган холда йигилади. Йирик ўтли ўсимликларда фақат йирик барглари йигилади. Бундай холатларда, ўсимликнинг юқори қисми қирқиб олиниб, ўтидан гален препаратлари ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Баргларни тўлиқ ёзилган вақтда териш керак. Ўсимликни гуллаш даврида йигилган хом ашё энг яхши хисобланади, бироқ баъзи ўсимликлар (кўка) бундан мустасно, чунки уларнинг барглари гуллагандан сўнг хосил бўлади.

Баъзи буталарда барги майда бўлса, уларни кесиб олинган шохлари қуригандан сўнг силкитиб, агар бир йиллик ўт ўсимликлар бўлса, уларни суғириб олгандан сўнг барглари узиб йигилади. Катталаштирувчи 10x ойна ёрдамида барг пластинкаси ва бандининг ўлчови хамда шаклига, туклар билан қопланганлиги ва жойланишига, барг қирраларига, томирланишига, эфир мойи сақловчи безларга, барг юзаси ёки мезофилда жойларнинг борлигига эътибор берилади. Юқорида келтирилган барг белгилари хар бир ўсимлик хом ашёсига хос бўлиб, уларни табиатда йигиб олиш жараёнида ажратиб олиш имкониятини беради.

Барглар одатда ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллаганида йифиб олинади. Барглар жуда охисталик билан, иложи борича ўсимлика зааретказмасдан йифиб олинади. Баъзан ўт ўсимликларнинг баргини тайёрлаш учун аввла уларнинг ер уски қисми ўриб олинади, сўнгра қуритиб барглари ажратиб олинади. Айрим ўсимликларни эса сўлитилади ва барглари териб олинади, пояси билан шохлари эса ташлаб юборилади. Чаянўт барги ёз бўйи фақат гуллаётган ўсимлиқда, ва албатта қўлни асраш учун қўлқоп кийиб йиғилади. Бу каби ўсимликларни ер устки қисми ўрилиб, сўлитилиб, барглари узилади. Гуллаш давридаги йифиш даври З та алоҳида гуллаш фазаларига бўлинади: ғунчалаш, гуллаш фазасининг бошланғич ва тўла гуллаш даврларига бўлинади.

### **Гуллар –Flores**

Доривор ўсимлик хом ашёси гуллар деб қуритилган айрим гуллар ёки гул тўпламлари, хамда уларнинг бўлаклари тушинилади. Хом ашёда аввл гул тўпламларининг тури, туклар билан қопланганлиги аниқланади, сўнгра уни бир минут давомида иссиқ сувда ивитиб қуролланмаган кўз ёки катталаштирувчи ойна ёрдамида гулнинг ёки тўпгулнинг тузилиши ўрганилади. Гулни буюм ойначасига қўйиб, уни катталаштирувчи ойна тагида игна ёрдамида айрим бўлакларга бўлинади. Бунда гулқўрғоннинг тузилишига – оддий (косачасимон, тожибаргсимон) ёки икки қаватли (косачабарг ва тожибаргнинг) тузилишига(тўғри –актинаморф ёки нотўғри-зигоморф), косачабарнинг сони ва шаклига (ёки косачанинг тишларига); тожибаргнинг сони ва шаклига (ёки тожибаргнинг тишларига); оталигининг сони ва тузилишига, оналигининг сонига, оналик тугунининг тузилиш аломатлари ва жойланишига эътибот берилади.

Одатда гуллар ўсимлик қийғос гуллаганида йиғилади. Кўпинча гуллар алоҳида-алоҳида кесиб олинади. Баъзан гул тўпламиининг хаммаси ёки гулнинг айрим қисмлари йифиб олинади.

Гул хом ашёсини тайёрлаш технологияси гулларнинг ўлчамига, уларнинг якка ёки тўпгул холида учрашига, тўпгул қандай турда бўлишига ва

бошқаларга боғлиқ. Аммо гул ва гул тўпламлари хозиргача аксарият холларда, қўл кучи билан терилади. Баъзи доривор ўсимликларнинг гуллар жуда майда бўлиб гул ўрнида жуда қисқа чимдиг қолдириб ёки маҳсус йиғиладиган асбоблар билан йиғилади. Дараҳт гуллари эса норвонлар ёрдамида маҳсус узайтирилган ток қайчилар (“петушок”) билан йиғилади. Баъзи ўсимлик гулларини машиналар ёрдамида ўт қисмини йиғиб, сўнгра уларни майдалаб ажратилади.

### **Мевалар-Fructus**

**Мевалар.** Доривор ўсимлик хом ашёси- мевалар деб оддий ёки муракқаб хамда сохта тўпмевалар ва уларнинг бўлак қисмлари тушинилади. Мевалар пишганда йиғилади ва қуритилади. Баъзи бир сершира мевалар барра холда қайта ишланади.

Мева пўстлоқ (перикарпий) ва унинг ичидағи уруғидан иборат бўлади. Перикарпий қуруқ (мевалар) ёки этли (сершира мевалар) бўлиши мумкин. Мевада пўстлоқнинг ранги, юзасининг тузилиши, ўлчови (узунлиги, қалинлиги, кўндаланг кесими), хиди ва мазаси диагностик ахамиятга эга. Баъзи бир холларда мевадаги хоналарнинг сони, эфир мойи сақловчи каналлар ва жойларнинг борлиги аниқланади.

Қуруқ мевалар асосан гул ўрнининг пастки қисми қўнғир рангга кира бошлаган вақтда терилади. Кейин уларни боғ-боғ қилиб боғлаб, тўла етилгунча шу ернинг ўзида осиб қўйилади ёки ғарамланади. Соябонгулдошлар мевалари меҳенизациялаштирилган усулда йиғилади. Хўл мевалар пишиб, ранги ўзгармай турғун холатга келгандан сўнг йиғилади. Уларни силкитиб айримларини қоқиб йиғиб олинади. Нозик хўл мевалар эса кўлда терилади. Улуғлар мевалар пишиб етилганда йиғилади.

### **Уруғлар-Semia**

**Уруғлар.** Доривор ўсимлик хом ашёси-уруғлар деб бутун уруғлар ёки уларнинг айрим уруғпаллалари тушунилади. Уруғларни одатда пишганда йиғилади ва қуритилади. Уруғлар уруғ пўстлоғи, эндосперм (баъзи ўсимликларнинг уруғида эндосперм бўлмайди) ва муртакдан иборат бўлади.

Ургунинг шакли, ўлчови (узунлиги, қалинлиги ёки кўндаланг кесими) юзасининг тузилиши, ранги мазаси ва хиди, хамда муртакнинг жойланиши, шакли ўлчови, уруғ чоки ёки уруғ кертими борлиги ва унинг шакли кабилар диагностик ахамиятга эга. Уруғлар турли усуллар билан тайёрланади. Баъзи уруғлар маҳсус асбоблар билан мевадан ажратиб олинади (бодом уруғи ва бошқалар). Майда мева уруғлар эса уруғлар етилгандан сўнг ёки етилиш олдидан ўсимликни ўриб, қуритиб, сўнгра хирмонда янчиб тозаланади.

### **Илдизпоялар-Rhizomata, илдизлар-Radices, пиёзбошлар-Bulbus, тугунакпиёзбошлар-Bulbotuber**

Кўп йиллик ўсимликларнинг қуритилган ёки барра холдаги ер остки қисмлари ишлатилади. Улар тупроқдан тозаланган ёки ювилган, ўлик қисмлар, поя ва барг қолдиқларидан холос қилинган бўлиши керак. Катта ер остки қисмларни қуритишдан аввал (узунасига ва кўндалангига) бўлакларга бўлинади. Ер остки органларда хом ашё сифатида қуйидагилар библиотека мумкин: илдизлар, илдизпоялар, илдизпоялар илдизлари билан, пиёзбошлар, туганаклар ва тугунакпиёзбошлар. Ўсимликнинг ер остки қисмларининг шакли ташқи юзаси синдирилгандаги аломатлари, ўлчовлари, юзасининг ва янги синдирилганда ички ранги, хиди ва мазаси аниқланади. Илдизлар цилиндрический базан конуссимон, оддий ёки шохланган бўлиши мумкин. Илдизпоялар оддий ёки шохланган, кўп бошли, цилиндрический ёки овал, тасбехсимон, ичи тўла ёки ковак, тўғри, қайрилган ёки буралган ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Пиёзбошлар ва тугунакпиёзбошлар шарсимон, тухумсимон, узунчоқ, ясси ёки бошқача шаклларда бўлиши мумкин.

Тозаланган ет ости органларнинг юзаси текис ёки (кўп холларда) ажинли бўлиши мумкин. Одатда илдизларнинг юзасида узанасига, илдизпояларда эса узанасига ва кўндалангига ажинлар бўлиб, уларда олиб ташланган илдиз, поя ва барг ўрни сақланиб қолган бўлади. Синдириб қўрилган жойлар текис, толали, зирапчали ва донадор бўлиши мумкин. Илдиз, илдизпоя ва тугунакларнинг синдирилганида ёки кўндаланг кесимида

ўтказувчи боғламларнинг жойланиши қуролланмаган кўз билан ёки катталаштирувчи ойна ёрдамида қўрилади.

Илдизлар бирламчи ёки иккиламчи тузилишда бўлиши мумкин.

Бирламчи тузилишда илдиз марказида марказий ўқ цилиндири, иккиламчи тузилишда эса иккиламчи ёғочлик жойлашган бўлади.

Илдизпояларнинг ўтказувчи тўқималари боғламли ёки боғламсиз бўлиши мумкин. Бир паллали ўсимликлар илдизпоясида ўтказувчи тўқима боғламлари пўслоқ ва марказий цилиндрда тартибсиз жойлашган бўлади. Ўтказувчи тўқималари боғламли бўлган икки паллали ўсимликларда улар айлана шаклида илдизпоя юзасига яқин жойлашади ва марказда кенг ўзак бўлади. Боғламсиз тузилишга эга бўлган илдизпоялар илдиздан марказдаги ўзаги билан фарқ қиласи (баъзи бир турларида у бузилган бўлиб, илдизпоянинг ичи ковак бўлади).

Пиёзбошлар хар хил қалинликдаги бир нечта сершира ички ва одатда бир нечта ташқи қуруқ қаватлардан иборат бўлиб, улар пиёзбошларнинг тагида жойлашган калта пояга бирлашган бўлади.

Туганак бошлиёзлар қисқарган этли поя ва бир нечта ташқи қуруқ қобиқлардан ташкил топган.

Туганаклар поядан хосил бўлганлиги учун, кўндаланг кесимида боғламли тузилишга эга. Уларнинг юзаси одатда ажинли бўлади.

Ер остки органлари (илдиз, илдизпоя, туганак ва пиёзлар) одатда ўсимлик уйқуга кирган даврда эрта баҳорда ёки кеч кузда тайёрланади. Лекин баъзи ўсимликларнинг ер остки қисмларини ўсимлик гуллар бўлгандан сўнг йигилади.

Ўсимлик ер остки қисмларини тайёрлаш кузда, баҳорда ёки ўсимлик гуллаш даврининг охирларидаолиб борилади. Улар белкурак, кетмон, ва бошқа асбоблар ёрдамида кавлаб олинади. Хом ашёни тайёрлаш йигилаётган ўсимлик ўсаётган жойнинг шароитига, тупроқ тузилишига боғлиқ бўлиб, бунда асосий мақсад доривор ўсимлик хом ашёсини заарлантирумасдан кавлаб олишга қаратилгандир.

Баъзи доривор ўсимликлар юмшоқ тупроқ шароитида ўсади бундай ўсимлик хом ашёларини ердан суғуриб олиш осон. Тоғли ерларда ўсгадиган доривор ўсимликларнинг ер остки қисмларини қазувчи асбоблар ёрдамида кавлаб олинади. Бази доривор ўсимликларнинг ер остки хом ашёларини плугли тракторлар, экскаваторлар ёки бошқа механизмлар ёрдамида кавлаб олинади. Хўжаликларда ер остки қисмларни кавлаш механизациялаштирилган холда олиб борилади.

Доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш жараёнида уларнинг қайси морфологик гурухга мансублигини хисобга олиш билан бир қаторда, албатта унинг кимёвий таркибиغا хам эътибор берилади.

Масалан, алкалоид ёки юрак гликозидлари сақловчи ўсимлик хом ашёлари захарли хисобланади. Шунинг учун хом ашёни тайёрлашда захарланишни олдини олиш чора тадбирларини кўриш керак. Таркибида сапонин сақловчи доривор ўсимликлар хом ашёси эса организм шиллик пардаларига қитиқловчи таъсир кўрсатади. Шу сабабли бу гурухга кирувчи хом ашё билан ишлайтганда, кўз ва нафас йўлларини эҳтёт қилиш керак.

Шу билан бирга турли гурух моддалар сақловчи хом ашёни қуритиш ва сақлаш усуллари хам ўзига хос бўлади. Масалан, эфир мойи сақловчи ўсимлик хом ашёси қуруқ хавода, куннинг биринчи яримида терилади. Хом ашё 30-35 50°C хароратда узоқ вақт давомида қуритилади. Чунки эфир мойлари учувчан бўлади.

Гликозидлар сақловчи ўсимликлар хом ашёси эса, аксинча 50-60 50°C хароратда тезда қуритилади. Бу билан гликозидларнинг ферментлар таъсирида парчаланиши олдини олинади.

Хом ашё сифатида йиғилган хўл мевалар, одатда тез ва 80-90 50°C хароратда қуритилади.

Хом ашёларнинг кимйвия таркибиغا караб, йигиб олиш даврида фойдаланиладиган идишлар хар хил бўлиши мумкин. Масалан, гликозид сақловчи хом ашё ва барглар албатта саватларга йиғилиши керак.

Хар бир гурух моддаларини сақловчи доривор доривор ўсимлик хом

ашёсини тайёрлаш, қуритиш ва сақлаш, қоидаларига амла қилиш зарурдир.

### **Пўстлоқ-Cortex**

Доривор ўсимлик хом ашёси –пўстлоқ деб дараҳт ва буталарнинг пояси, новдаси ва илдизларининг камбийдан ташқарида жойлашган қисми тушинилади.

Пўстлоқлар эрта баҳорда, поя ва йўхон шоҳларидан ўсимлик танасида сув шира харакати бошланганда, яъни пўстлоқ ёғочлик қисмидан осон ажараладиган вақтда йифилади. Дараҳ ва бута шоҳларida, баъзан танасида маҳсус пичоқ ёрдамида бир-биридан 25-30 см масофада жойлашган яrim айлана ёки айланасига кўндаланг кичик кесма ўтқазилади. Юқоридаги кўндаланг кесимидан пастга қараб узанасига 2-3 марта кесилади ва пўслок бўлакларини пастки айлана томонга зарар етказмаган холда тортилади.

Пўстлоқ бўлаклари шу холда сўлигунча бир неча вақтгача қолидирилади, сўнг шилиб олинади. Йиғиб олинган послоқлар орасидан энг қари бўлаклари олиб ташланади: бунда яна пўстлоқ юзасидаги бўртмалар ёки энди хосил бўлаётган куртаклардан тозалашага рухсат берилади. Керакли холларда пўслоқни заарарланган жойлари кесиб ташланади.

Қирқилмаган пўстлоқ хар хил ўлсовли, тарновчасимон, найсимон ёки яssi кўринишда бўлади. Пўстлоқда унинг ранги ўлчови , ташқи ва ички юзасининг, хамда синдириб кўрилгандаги аломатлари аниқланади. Пўстлоқнинг ташқи юзаси одатда силлиқ, узунасига жойлашган ажинлар билан, баъзи холларда ёриқлари бўлган қўнғир ёки кулранг пробка билан қопланган бўлади. Поя ва новдаларнинг пўстлоғида думалоқ ёки узунчоқ ясмиқчалар бўлади, баъзи холларда улар лишайниклар билан қопланган бўлиши мумкин.

## ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМ АШЁСИГА БИРЛАМЧИ ИШЛОВ БЕРИШ ВА АРАЛАШМАЛАРДАН ТОЗАЛАШ

Доривор ўсимлик хом ашёсига бирламчи ишлов бериш - бу бегона аралашмалардан тозалаш, меъёрий хужжатлар талабларига жавобан ўлчов кўрсаткичларига лойиқлаштириш, қуритиш олди ишларни олиб бориш (ювиш, сўлитиш) айрим ҳолларда ферментация ўтқазиш ва қуритишга тайёрлаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Хом ашё аралашмаларини асосан икки гурухга бўлиш мумкин:

- а) минерал аралашмалар – тупроқ, қум, майдо тошлар.
- б) органик аралашмалар – ўсимликни бегона қисмлари, бегона ўсимликлар; хом ашёни чириган, қорайган, сарғайган қисмлари ва ҳакозолар.

Хом ашёга бирламчи ишлов бериш вақтида уни меъёрий техник хужжатларда кўрсатилган ўлчов кўрсаткичлари (узунлиги, эни, бўйи ва қалинлиги) га келтириб олинади. Айрим ўсимликлар хом ашёси бирламчи ишлов бериш вақтида, маълум шароитда бир неча вақт сақланиб, ферментлар таъсирида бўлади ва сўнгра қуритилади.

Хом ашёни турига қараб ундаги аралашмалар ҳам турлича бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида хом ашёни тайёрлашда ўзига хос технологик ёндашиш заруриятини туғдиради.

Ўсимлик ўт қисмини йиғилганда, айниқса ўриб тайёрланганда, уни кўздан кечириб чиқиб, бегона (асосан органик) аралашмалардан тозалаш керак. Зарур ҳолларда, ўсимликнинг пастки қисмидан МТҲ да келтирилган ўлчовлардан ортигини чопиб ташлаш керак. Агар ўсимликни (бир йиллик бўлганда) илдизи билан сугуриб олинган бўлса, албатта илдиз қисмини чопиб ташланади ва МТҲ талабига лойик қисми қолдирилади.

Баргларни йиғишида, уларни сифатсиз – сарғайган, қўнғир ранга кирган, қорайган, майдаланиб кетган, хашоратлар билан заарланган нусхалари ажратиб ташланади.

Ёт аралашмалар – ўсимликнинг бошқа қисмлари, поя, мева, барг банди қолдиқларидан тозалаш мақсадида хом ашё қайта текшириб чиқилади. Агар хом ашё сифатида гуллар бўлса, биринчи навбатда ўзининг табиий рангини йўқотган гуллар, гулнинг хом ашё сифатида ишлатилмайдиган қисмлари ва тасодифан аралашиб қолган аралашмалардан тозаланилади. Масалан, жўка ўсимлигининг хом ашёсини тайёрлашда новдаларнинг учи қирқиб олинади ва бутун гул тўплами юлиб олинади. Мойчечак саватчаларининг нихоятда нафис ва нозиклигини ҳисобга олиб, уларни фақат жуда эҳтиёткорлик билан навлаш (ёт аралашмалардан тозалаш) руҳсат этилади.

Уруғи ёки мевасини териш мақсадида тайёрланган ўтсимон ўсимликлар кўздан кечирилиб, тасодифан аралашиб қолган бошқа ўсимликлардан тозаланади ва боғларга боғларга; шундан сўнг қуритиб, қоқиб олинади (соябонгулдошлар меваси). Этли хўл мевалар мева банди, пишмаган мевалар, барг ва шохчалардан тозаланади.

Илдиз ва илдизпоялар ер устки қисм қолдиқларидан тозаланади. Илдизпоя қўшимча илдизлари билан (валериана, сенецио ва бошқалар) яхшилаб тупроқдан тозаланиб ювилади. Баъзи илдизлар ва ер устки новдалар (қизилмия, сарик андиз ва бошқалар) тупроқдан қоқиб тозаланади, лекин ювилмайди. Солаб тугунагини ўсимталар хосил бўлишининг олдини олиш ва қуришни тезлаштириш мақсадида қисқа вақтга қайнаб турган сувга ботириб олинади ва ипга тизиб чиқиб қуритилади.

Пўстлоқни тайёрлаш жараёнида қари пўстлоқ бўлаклари ажратиб олиниб, пўстлоқда учрайдиган лишайниклардан тозалаш тавсия этилади. Куртаклар тайёрлангандан кейин, очилган куртаклардан тозаланади ва куртаклар очилиб кетмасдан қуритилади.

Доривор ўсимлик қисмлари терилгандан сўнг бир қанча вақт давомида ҳали тирик бўлиб туради. Биринчи даврда ўсимликнинг алоҳида органларидан биохимиявий жараёнлар одатдагидек содир бўлаверади ва моддалар биосинтези уларнинг парчаланишидан кўра устун бўлади. Бир қанча вақтдан сўнг озуқа моддаларнинг келиши тўхтаб қолади ва бу ходиса

биологик жараёнларнинг йўналишини шу тариқа ўзгартирадики, бунда парчаланиш жараёни моддалар синтез бўлиш жараёнидан кўра тобора устун бўла бошлайди. Шунда “оч алмашинув” жараёни бошланадики, бунда крахмал ва оқсил каби резерв моддалар жалб этилади.

Агар шу жараёнда яна тўқимага иссиқлик таъсир эттирилса, хаётй шароит яна ёмонлашади. Тўқимада намликни кескин равишда камайиши ва шу пайтнинг ўзида тўқиманинг ўлиши бошланади.

Ферментларнинг фаолияти намликнинг йўқотилиши билан бевосита боғлиқдир. Қуритиш харорати қанча паст бўлса ва тўқима ўзидаги намликни қанча секин йўқотса, ферментатив жараёнлар шунча кучлироқ ўтади ва аксинча тўқималарнинг нобуд бўлиш жараёни қанча қисқа бўлса, ферментатив жараён шунча тез сўнади.

Тўқималарнинг секинлик билан сўниши жараёнида 2 хил ходиса содир бўлиши мумкин. Баъзи холларда биологик фаол моддаларни йиғилиши кучаяди (масалан, эфир мой сақловчи ўсимликларда ва биоген стимулаторлар ҳосил қилишга мойил ўсимлиуларда). Бошқа холларда эса аксинча, ҳосил бўлган моддаларнинг парчаланиши содир бўлади.

Бу борада энг турғун бўлмаган моддалар – гликозидлар (аксинча юрак гликозидлари), ўз молекуласида мураккаб эфир боғи сақлаган алкалоидлар ва бошқалардир.

Осон парчаланувчан моддаларни сақлаб қолиш учун ҳам тез қуритиш талаб этилади, бу ферментларнинг парчаланиш хоссасини секинлаштиради. Масалан, тезда қуритиш жараёнида (5-6 соат 60, 50 °C хароратда) бандидевона баргига 0, 54 % алкалоидлар сақланади, ваҳоланки у узоқ вақт давомида (7 суткада, сояда) қуритилса, алкалоидлар микдори 0, 34 % бўлади. Шунга ўхшаш холларга беладонна, мингдевона барги, скополия илдизпоясини қуритища дуч келамиз. Лекин секин қуритилганда алкалоидлар микдорининг камайиб кетиши умумий қоида бўла олмайди. Масалан, чет эл адабиётларидан маълумки, очик ҳавода (офтобда) ва 100, 50 °C хароратда қуритилган хин дарахти пўстлоғида хинин микдори бир хил

бўлиб чиққан. Биологик фаол моддаларнинг сақланишига фақатгина харорат таъсир эттирилган вақтгина эмас, балки унинг кучи ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

## ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИНИ ҚУРИТИШГА ТАЙЁРЛАШ

Доривор ўсимликларни қуритишдан олдин бирламчи ишлов берилади, яъни ювиш, қирқищ, сўлитиш, навлаш, ёт аралашмалардан тозалаш ва хакозо. Бу жараёнларни хар бир морфологик групга алоҳида кўриб чиқамиз.

Илдизлар ва илдизпоялар одатда тозаланади, заруриятга қараб ювилади, сўлитилади, бўлакларга қирқиладива стандарт холатига келтириб қуритилади. Масалан, гулхайри ва беладонна илдизларини қуритишдан олдин ювилади ва сўлитилади, рўян илдизи эса фақат сўлитилади, оненик илдизини олдин ювиб, бўлакларга қирқиб, кейин сўлитилади ва қуритилади. Равоч илдизпочси ковлаб олиниб, ювилади, бўлакларга қирқиб сўлитилади ва қуритилади. Ямс ва полемониумхом ашёлари ковлаб олингач ювилади, кейин сўлитилади, сенекио ва левзея хом ашёси фақат сўлитилади ва қуритилади. Валериана ва сариқ андиз хом ашёси тайёрланганда ер ости органлари ювилади, сўнг бўлакларга қирқиб сўлитилади ва қуритилади.

Эрмон, жағ-жағ, қончўп, қирқбўғин, бўймадарон, аччиқ тарон, қуштарон, шафтоли баргли тарон, далачой, қалампир ялпиз, итузум, иттиканак, тоғжамбул, дармана ўсимликларининг хом ашёсига бирламчи ишлов бериш уларни ёт аралашмаларидан тозалашдан иборат. Арслонқўйруқ хом ашёсини тайёрлашда эса қалин ва ёғочлашган поялардан тозаланилади.

Барглар одатда аралашмалардан, баъзан бандлардан тозаланади. Мисол учун, беладонна, бандидевона, қалампир ялпиз, ортосифон, маврак ўсимликларининг хом ашёси аралашмаларидан тозаланади, ангишвонагул ва мингдевона хом ашёсидан қалин банд барглари олиб ташланади, сано ўсимлигининг хом ашёси мева ва пояларидан тозаланади.

Гулларга бегона аралашмалардан ташқари баъзи холларда хом ашё бўймаган гул қисмлари ҳам ажратиб олинади. Тирнокгул, дармана

ўсимлигининг хом ашёсини тайёрлашда улар ёт аралашмалардан тозаланади. Шуни назарда тутиш керакки, мойчечак гуллари тайёрланганда, қуритишдан олдин сўлитилади.

Мевалар асосан пишмаган, эзилган ёки заарланган қисмларидан тозаланади, хўл мевалар эса қуритишдан олдин сўлитиб олинади. Тишли келла, укроп ва арпободиён меваси аввал навларга ажратилади сўнг қуритилади.

## ДОРИВОР ХОМ АШЁСИНИ ҚУРИТИШ

Қуритиш – доривор ўсимлик хом ашёсини узоқ вақт давомида 8-14 % оралиқдаги намлиқда сақлаш имконини берадиган мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараёндир.

Турли хил кимёвий ва фармакологик гурухларга кирувчи айrim ўсимликлар хом ашёсини қуритиш жараёнида маҳсус мосламалар ёки хоналар бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда қуритилган хом ашё сифатсиз ёки яроқсиз бўлиб қолади. Қуритиш жараёнида доривор ўсимлик хом ашёсидан бирламчи оғирлигига нисбатан 70-75 % намлик йўқотилади. Янги терилган доривор ўсимлиқдан чиқадиган хом ашё оғирлиги хақидаги айrim маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Доривор ўсимликларни табиий шароитда ва сувний усулда қуритиш мумкин. Саноат миқёсида иккала усулни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир, чунки бунда табиий ва сувний қуритиш усуллари бир-бирини ўзаро тўлдиради.

1-жадвал

Янги терилган ўсимлиқдан чиқадиган қуруқ хом ашё миқдори

№	Доривор ўсимликлар номи	Хом ашё тури	Қуритиш 50 °C да
1.	Доривор гулхайри	илдизи	30-32
2.	Арман гулхайриси	илдизи	30-35
3.	Кумлоқ бўзночи	гули	
4.	Самарқанд бўзночи	гули	25-30
5.	Тўқ қизил дўлана	гули	25-30

6.	Қора маржон дараҳт	гули	18-20
7.	Доривор валериана	илдизпоя ва илдизи	25-30
8.	Аччиқ тарон	ўти	20-22
9.	Шафтолибарт тарон	ўти	20-22
10.	Сариқ андиз	илдизпоя ва илдизи	30-35
11.	Оддий тоғрайхон	ўти	25-26
12.	Майдагулли тоғрайхон	ўти	25-28
13.	Аччиқ эрмон	ўти	24-25
14.	Иккиуйли газанда	барги	18-20
15.	Доғли далачай	ўти	18-20
16.	Гангитувчи бозулбанг	барги ва гули	20-25
17.	Тоғжумрут	меваси	15-17
18.	Доривор қашқарбеда	ўти	22-25
19.	Бўёқдор рўян	илдизпоя ва илдизи	25-30
20.	Жўка	гули	28-30
21.	Қоқиўт	илдизи	28-30
22.	Оққалдирмоқ	барги	25-26
23.	Қора қорақат	меваси	18-20
24.	Оддий дастарбош	гули	22-24
25.	Катта зубтурум	барги	22-23

Илова: Қуритилган хом ашё микдори хосилни териш вақтига ҳам боғлиқдир.

### ТАБИЙ ҚУРИТИШ

Доривор ўсимлик хом ашёсини табиий шароитда қуритиша турли усуллар тадбиқ этилади: очик майдончаларда қуритиш, бевосита далада уюмларда, хаво қуритгичларда, чордоқларда ва самонхоналарда, стеллажларда, вентилятор ёрдамида мажбурий хаво юбориб турилган ҳолда уюмларда ва УДС -300 маркали сомон қуритиш учун мўлжадданган маҳсус қуритиш мосламаларида қуритилади. Хом ашё очик майдонларда қуритилганда уни юпқа қават қилиб ёйилади ва вақти-вақти билан айланиб турилади. Хаво намлиги юкори бўлган иқлим зоналарда эса хом ашёни 5-6 см қалинликда, аксарият холларда эса Ўрта Осиё шароитларида хом ашёни қалинлигини 10-12 см гача етқазиш мумкин. Масалан: 100 га майдондаги хосилдорлик 5 т/га бўлган бўлакли итузум, беладонна ва шунга ўхшаш ўсимликларнинг майдаланган ўтини 10 кун давомида йиғилганда, агар улар

3-5 кунда қуриса, қуритиш учун зарур бўлган майдоннинг сатҳи 1600-2000 м.кв.га тенг бўлади.

Хом ашё қуриган сари унинг қалинлиги 20-25 см гача ошириш мумкин. Янги терилган доривор хом ашёни (қалампир ялпиз, тоғжамбул, маврак, тирноқгул ва бошқалар) далада керакли ҳолатгача қуритилиб, сўнг хаскашлар ёрдамида хирмонларга йигилади.

Айрим хом ашё турлари МТХ талабларига кўра қуёшда қуритилиши ҳам мумкин. Буларга оққурай меваси ва илдизи, итсигак ўти, анжир барги, қизилча ўти ва қизилмия илдизи кабилар мисол бўлади. Лекин баъзи хом ашё турларини Европа шароитида тўғридан-тўғри офтобда қуритиш рухсат этилса ҳам, Ўзбекистон шароитида, айниқса ёз ойларида куннинг жуда исиб кетишини назарга олиб, “олачалпоқ” ёки ярим соя, ярим қуёш тушадиган ерларда қуритиш тавсия этилади.

## **СУНЬИЙ ҚУРИТИШ**

Техник доривор ўсимлик хом ашёсини сунъий қуритиш учун бир неча хил қуритгичлардан фойдаланилади. Бу қуритгичлар иссиқ колиферлар ёрдамида қиздирилган хаво ёки маълум хароратни таъминловчи газлар аралашмаси ёрдамида ишлайди. Доривор ўсимлик хом ашёсини қуритгичларда қуритиш жараёнида харорат албатта назорат остида бўлиши шарт чунки хом ашёнинг керагидан ортиқ қиздириб юборилиши хом ашё таркибидаги биологик фаол моддаларнинг парчаланишига олиб келиши мумкин. Бир неча турдаги доривор ўсимлик хом ашёсининг сунъий усулда қуритиш учун рухсат этилган меъёри 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал 2

### **Айрим доривор ўсимликлар хом ашёсини сунъий усулда қуритишида тавсия этиладиган харорат қўрсаткичлари**

№	Доривор ўсимлик номи	Хом ашё тури	Қуритиш 50°C да
1.	Жағ-жағ Capsella bursa pastoris	Ўти	45-50
2.	Қоқиёт - Taraxacum officinalis	Илдизи	40-50
3.	Оқ-қалдирмоқ Tussilago farfara	Барги	50-60
4.	Жўка - Tilia cordata	Гули	50-60

5.	Бүёкдор рўян- <i>Rubia tinctorum</i>	Илдизи ва илдизпояси, гули	45-50
6.	Доривор гулхайри - <i>Altheae officinalis</i>	илдизи	45-50
7.	Мингдевона- <i>Hyoscyamus niger</i>	Барги	40-60
8.	Белладонна - <i>Atropa belladonna</i>	Ўти	40-50
9.	Доривор валериана- <i>Valeriana officinalis</i>	Илдизпояси ва илдизи	35-40
10.	Оддий бангидевона- <i>Datura stramonium</i>	Барги	40-50
11.	Доғли далачой- <i>Hypericum perforatum</i>	Ўти	35-40
12.	Торбаргли сано- <i>Cassia acutifolia</i>	Барги	40-60
13.	Қизил ангишвонагул- <i>Digitalis purpurea</i>	Барги	50-60
14.	Катта зубтурум- <i>Plantago major</i>	Барги	40-60
15.	Беш бўлакли арслоқуйруқ- <i>Leonurus quenquilobatus</i>	Ўти	50-60
16.	Доривор мойчечак- <i>Matricaria hamomilla</i>	Гули	35-40
17.	Иттиканак - <i>Bidens tripartita</i>	Ўти	35-40
18.	Доривор маврак- <i>Salvia officinalis</i>	Барги	30-40

Доривор ўсимлик хом ашёсини тез ва бир меъёрда қуритиш мақсадида поя ва йирик илдизларни майдалаш тавсия этилади.

#### **4-мавзу: Доривор хом ашёларни халқаро андозаларга мос ҳолда етишириш ва қайта ишлиш муаммолари.**

**Режа:**

4.1. Табиий доривор хом ашё тайёрлаш муаммолари.

4.2. Маданий доривор хом ашё тайёрлаш муаммолари.

**Таянч иборалар:** бирламчи ишлов, стандартлаш, сифат, меъёрий хужжасат, механизациялаш, халқаро талаблар ва б.к.

Қуритилгандан сўнг доривор ўсимлик хом ашёси стандарт холатга келтирилади, яъни хом ашё норматив техник хужжатларда келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши керак.

Хом ашёни хар хил аралашмаларидан ва нотўғри тайёрлаш, қутиши натижасида ҳосил бўлган заарланган қисмларидан тозалаш учун қуидаги ишлар олиб борилади:

1. Доривор ўсимликларнинг хом ашё сифатида ишлатилмайдиган қисмлардан тозаланади.
2. Хом ашёни заарланган, чириган, мофорлаган ва табиий рангини йўқотган ўсимлик қисмларидан тозаланади.
3. Меъёридан ортиқча майдаланган қисмларидан тозаланади.
4. Хом ашёни ёт органик ва минерал аралашмалардан тозаланади.

Одатда, хом ашёни стандарт холига келтириш жараёнида хамма юқори кўрсатилган ишлар бир вақтнинг ўзида олиб борилади. Бундай қайта ишлиш учун энг кам маблағ талаб этади.

Навларга ажратиш маҳсус механизацияланган элакларда ва харакатланувчи тасмали транспартер ёрдамида олиб борилади. Бу ишлар албатта вентиляцияли хонада бажарилади.

**ХОМ АШЁНИНГ МАЙДАЛАНГАН ҚИСМИНИ АНИҚЛАШ**

Доривор ўсимлик хом ашёси бутун, қирқилган, янчилган, кукун, қирқиб пресланган холда, сигарет ва брикет шакилда бўлади. Хом ашё қандай холда ёки қандай шакилда бўлишидан қатъий назар, уни қуритиш, идишларга жойлаш, юклаш, элтиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш каби жараёнларда табиий-ки, у қисман майдаланиб кетади.

Масалан: қуритиш жараёнида хом ашёни тез қуритиш, қораймаслиги ва моғорламаслиги учун, уни бир неча мартаба айлантириб турилади. Ана шу вақтда хом ашё биз хохишимиздан қатъий назар озгина бўлса-да майдаланади. Ёки масалан, хом ашё қуригандан сўнг уни қопларга жойлаш керак бўлса. Бу холда ҳам хом ашё, айниқса ўтлар, қисман синади ва майдаланади. Доривор ўсимликларни қирқиб қадоқлаш жараёнида эса, қирқиши машиналарининг пичоқларининг оралиғи яхшилаб созланишидан қатъий назар хом ашё қисман керакли ўлчовлардан кичикроқ майдаланиши мумкин ва хакозо. Кўриниб турибди-ки, хом ашёни йиғишидан бошлаб уни истеъмолчига етқазгунча, оз-оз бўлсада майдаланар экан.

Хом ашёни майда қисми қанча кўп бўлса, унинг хаво (кислород, намлик ва бошқалар) билан туташган юзаси шунча кўп бўлади ва натижада оксидланиш қайтарилиш, парчаланиш каби жараёнлар тезлашиб, таъсир қилувчи моддаларнинг миқдори камаяди ва доривор ўсимликларнинг сифати қониқарсиз бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам хом ашёning қандай холда ёки шаклдан бўлишидан қатъий назар, унинг майда қисми аниқланади. Хом ашёning майда қисмининг меъёрий-техник хужжатларда кўрсатилгандан кўп бўлиши мумкин рухсат этилмайди. Акс холда, хом ашёни ишлатишга рухсат берилмайди.

Доривор ўсимликнинг майда қисмини аниқлашда шу мақсад учун олинган намунани меъёрий-техник хужжатда кўрсатилган элакка солиб, астасекин айланма харакат қилиб эланади. Элаш жараёнини билиш учун асосий майда қисмлар элакдан ўтказилиб бўлингандан сўнг, элакда қолган хом ашё яна бир минут давомида эланади. Агарда иккинчи элаш натижасида олинган майда қисмлар миқдори элакда қолган хом ашёning 1 % идан кам бўлса,

элаш жараёни тугаган деб хисоблаш мумкин. Сўнгра хом ашёнинг элақдан ўтган хамма бўлакчалари тортилади ва уларнинг фоиз миқдори аналитик намунаға нисбатан хисоблаб чиқарилади.

Қирқилган, янчилган ва кукун холидаги хом ашёни элаш учун 2 та элак олинади. Хом ашёнинг намунасини юқоридаги элакга солиб эланади. Сўнгра юқоридаги элакда қолган ва пастки элақдан ўтган хом ашё қисмлари алоҳида тортилади ва уларнинг фоиз миқдори аналитик намунаға нисбатан хисоблаб топилади. Аналитик намуна 100 граммдан кўп бўлса, тортишдаги хатолик 0,1 г, 100 г ва ундан кам бўлса, хатолик 0,05 г гача бўлиши рухсат этилади.

## **АРАЛАШМАЛАРНИНГ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ**

Аналитик намунанинг майда қисмини элақдан ўтказиб бўлгандан сўнг, элақда қолган қисмини тоза ва текис юзага тўкиб, кичкина картон куракча, чўтка ёки пинцет билан меъёрий техник хужжатларда кўрсатилган аралашмалар ажратилади. Одатда аралашмаларга қуйидагилар киради:

1. Ўз рангини йўқотган хом ашё (нотўғри қуритиш ва сақлаш жараёнида сарғайган, қорайган ва оқариб кетганлари).

2. Доривор ўсимликларнинг хом ашё бўлмаган қисмлари (бу қисмлар ийғиши жараёнида адашиб ёки эътиборсизлик билан териб юбориш ва қуритишдан аввал, бирламчи ишлов берилаётган вақтда, уларни яхшилаб тозалаб олиб ташламаслик натижасида хом ашёга тушиб қолади).

3. органик аралашмалар (захарли бўлмаган бошқа ўсимликларнинг қисмлари) . органик аралашмалар табиий ўсуви ёввойи ўсимликлар хом ашёсидан кўпроқ учраши мумкин. Чунки бу ўсимликларнинг хом ашёси ийғилаётган вақтда бошқа ёнма ён ўсадиган ўсимликларнинг қисмлари хам қўшилиб қолиши мумкин.)

4. Минерал аралашмалар (тупроқ, қум, майда тошчалар. Бу аралашмалар, кўпинча ер остки қисмларининг хом ашёсида учрайди. Хом ашёни ковлаб олгандан сўнг, яхшилаб тозаламасликнатижасида улар сақланиб қолади). аралашмаларнинг хар бир тури алоҳида тортилиб, уларнинг

микдори фойзларда қуидаги формула билан хисобланади:

$$M_1 \times 100$$

X =-----; M<sub>1</sub> – аралашмаларнинг микдори, г

M<sub>2</sub> M<sub>2</sub>-аналитик намунанинг микдори, г

Ажратилган аралашмалар аналитик намуна 100 г дан кўп бўлса 0,1 г., ундан кам бўлса 0,05 г. Аниқлик билан тортилади.

## **СТАНДАРТ ХОЛАТИГА КЕЛТИРИЛГАН ХОМ АШЁНИ ИДИШЛАРГА ЖОЙЛАШ, ТАМҒАЛАШ ВА ТАШИШ.**

### **ХОМ АШЁНИ ИДИШЛАРГА ЖОЙЛАШ**

Доривор ўсимлик хом ашёсини идишларга жойлашдан мақсад, уни заарлаш, хажмининг камайиб кетиши, белгиланган сақлаш муддати давомида хоссалари ўзгармаслигини, ташки мухит таъсиридан сақлашва ташиш жараёнларини енгиллаштиришни таъминлашdir.

Идишнинг тури бу идишга жойлаштириладиган хом ашё оғирлиги, хар бир хом ашё учун меъёрий техник хужжатлар билан белгиланган. қуритилган доривор ўсимлик хом ашёси учун қуидаги идиш турлари қўлланилади:

Матодан тикилган қоплар ГОСТ-19317-73 бўйича ва каноп қоплар ГОСТ-18225-72 бўйича.

Кўп қаватли қофоз қоплар ГОСТ 2226-75 бўйича, бир ёки икки қавтли қофоз пакетлар ГОСТ 24370-80 бўйича.

Хом ашё билан тўлдирилган қофоз қоплар ГОСТ 17308-85 бўйича зифир толасидан тайёрланган ип билан машинада икки қават чок билан тикилади. Қофоз пакетлар ГОСТ-2228-81 Е бўйича қоплар тайёрланаган қофозлардан ишлаб чиқарилади. Икки қаватли пакетларда ташки қавати ГОСТ -2228-81 Е бўйича қофоз пакетлар тайёрланадиган қофоздан; ички қавати эса ГОСТ 1760-81 бўйича сохта пергамент қофозидан тайёрланиши керак.

Қофоз пакетлар шу даражада тўлдирилиши керакки, тўлдирилдгандан кейин оғзини 3 марта бураб ёлидиган бўлиши керак, ва ГОСТ -16266-70

бўйича каноп ип билан боғланиб, ГОСТ -5959-80 бўйича ёғоч яшикларга жойланади.

Кўп қаватли қопларда жойлашган хом ашё оғирлиги 15 кг дан ошмаслиги керак, бир ёки икки қаватли пакетларга жойланган хом ашё оғирлиги 5 кг дан ортмаслиги керак. Қопларга жойлаш 70% га яқин хом ашё турлари учун қулай ҳисобланади (уруг, резавор мева, майда ва қирқилган илдиз ва илдизпоялар ва хокозо). Икки қаватли қопларга асосан, вазни оғир бўлган хом ашё жойланади, чунки бир қаватли қоп оғирликни қўрсатмаслиги мумкин. Баъзи хом ашё турлари чанг ва намлиқдан сақлаш учун айниқса, бир неча қаватли қопни талаб қиласди. Қопларнинг хажмидан белгиланган стандартга асосан максимал фойдаланиш керак (40,50 кг.) кўтариш қулай бўлиши учун қопнинг оғзи пухта чок билан тикилгандан кейин икки томонидан ушлаш учун “кулоқ”лар қолдирилади.

ГОСТ-19298-73 бўйича матодан тайёрланган узунчоқ шаклдаги тойлар ўлчами 100x165 см дан катта бўлмаслиги керак.Хом ашё билан тўлдирилган тойлар ГОСТ 17308-85 бўйича каноп ип билан тикилади, ёки ГОСТ 14961-85 бўйича тайёрланган зигир толасидан тайёрланадиган ип билан оралиғи 2 см дан кам бўлмаган чок билан ёки тикув машинкаси ёрдамида 2 қатор чок билан тикилади. Тойларни машина ёрдамида тикилганда чокдан юқорида камида 5 см жой қолиши керак. Қўл билан тикилганда эса камида 10 см жой қолиши керак. Хом ашё тойларга қисмлаб солиб, бир текис ётқизилади ва солиш жарёнида азгина прессланади.тўлдирилган той бурчакларида ушлаш учун қулай бўлган “кулоқча”лар қолдириб (2 жуфт) тикилади. Тойларга, асосан ўтлар, барглар ва баъзи илдизлар жойланиши мумкин (уларнинг оғирлиги 50 кг дан ошмаслиги керак).

Яшик шаклидаги тойлар –ГОСТ 19298-73 бўйича 3 бўлак хар хил ўлчамли битта катта ва иккита кичик матодан тикилган, олтибурчак шаклидаги тойлардир.Бу тойларнинг ўлчамлари 4-жадвалда қўрсатилган.

### Яшик шаклидаги тойлар ўлчамлари

<b>Тойларнинг ўлчами, см</b>	<b>Матонинг кенглиги, см</b>	<b>Катта бўлак ўлчами, см</b>	<b>Кичик бўлак ўлчами, см</b>
<b>100x100x65</b>	<b>100</b>	<b>330x100</b>	<b>65x100</b>
<b>100x70x50</b>	<b>100</b>	<b>240x100</b>	<b>50x70</b>
<b>100x50x50</b>	<b>100</b>	<b>200x100</b>	<b>50x50</b>

Чоклар мустахкам бўлиши учун матони камида 2 см га қайириш керак. Бўлакларни қуийдагича бирлаштириб тикилади: катта бўлакнинг асоси тойнинг тубини, иккита қўшни қисми -тойнинг бурчакларини; катта бўлакнинг учлариўзаро ва тойнинг четлари билан бирлашиб, тойнинг қопқофини хосил қиласди. Иккита кичик бўлак тойнинг ёнлари, узун томонлари билан тойнинг тубига, калта томони билан эса тойнинг кирраларига шундай тикиладики, бунда яшик шакли хосил бўлади. Тойларни хом ашё билан тўлдириш пресс ёки яшик ёрдамида олиб борилади. Бу яшикларнинг туби ва қопқоғи бўлмасдан, фақат 4 га ажратиш мумкин бўлган ён деворлардан иборат.

Яшик деворлари 30-40 мм қалинликдаги ўзаро илмоқчалар билан бирлаштирилган тахталардан ясалган бўлиши керак. Тикилган қанорни яшик ичига жойлананаётганда қанорнинг оғзини яшик девори бўйлаб ташқарига чиқариб қўйилади ва яшикнинг юқори қисмига михлаб қўйилади.

Шу тариқа тайёрланган қанорга қисмлабўлчангандан хом ашё бир текисда босиб-босиб солинади. тўлдирилган қанор ГОСТ 17308-85 бўйича каноп ип билан ёки ГОСТ 14961-85 бўйича зигир ип билан камида 2 см оралиқда бўлган чок билан тикилади. Тикиш вақтида қанорнинг юқори ва пастки қисмларида ушлаш қулай бўлиши учун камида 10 см узунликдаги “кулоқча”лар қолдирилади, қанорларга жойланган хом ашё оғирлиги 50 кг дан ошмаслиги керак.

Мато билан қопланган қанорлар терилган хом ашёни қўл ёки механик прессда пресслаш ва ГОСТ 19298-73 бўйича мато билан қоплаш йўли билан

олинади.

Пресс каробкага хом ашёни жойлаштиришдан аввал унинг тубига ва қопқоғига ГОСТ 19298-73 бўйича қоплов матосининг шундай узунликдаги бўлакларини жойлаштириш керакки, пресслашдан сўнг қанорни 4 томонидан тортиб тикиш мумкин бўлсин.

Хом ашёни пресс коробкасига қисмлаб бир текисда тақсимлаб солинади. Прессланган қанорни юқори ва пастки томонлари 2 бўлак қоплаш матоси билан ГОСТ 17308-85 бўйича каноп ип билан ёки ГОСТ 14961-85 бўйича зифир ип билан камида 2 см оралиқда бўлган чок билан тикилади. Тикилаётганда юқори томондан ушлаш қулай бўлиши учун 2 жуфт “қулоқча”лар қолдирилади. Тозаланмаган қизилмия илдизи жойланган қанордан ташқари хаммаси матога ўраб тикилган бўлади. Қаноралар ташиш учун жуда қулай хисобланиб, илдиз ва илдизпоя, (толокнянка сингари майдаларидан ташқари), ва хаттоки баъзи гуллар (жўка гули)ни идишларга жойлаш учун ишлатилиши мумкин.

Мато билан қопланмаган қанорларни, хом ашёни (қизилмия илдизи) пресслаб, қанорни кўндалангига 4 та жойидан ГОСТ 3560-79 бўйича кенглиги 20 мм, қалинлиги 0,7 мм бўлган пўлат тасма билан тортиб боғлаш йўли билан олинади. Тасма учлари маҳсус темир мосламалар билан бирлаштирилади.

Қанорларга жойланган хом ашё оғирлиги 200 кг дан қўп бўлмаслиги керак. ГОСТ 5959-80 бўйича яхлит тахтадан тайёрланган яшиклар. Хом ашёни бундай яшикларга жойлашдан олдин яшик ички томони ГОСТ 8273-75 бўйича зичлиги  $4050 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлган Б маркали қоғоз билан ёки ГОСТ 2228-81 бўйича қоплар тикиладиган қоғоз билан ёки ГОСТ 1760-81 бўйича пергаментга ўхшаш қоғоз билан чиқилиши шарт. Яшик хом ашё билан тўлдирилганда шу қоғознинг учи хом ашёни тўлиқ ёпиб туриб, уни яшик қоғозига тегиб туришдан сақлаш керак. Хом ашё билан тўлган яшиклар қопқоқ билан ёпилиб, михлаб қўйилиши керак. Яшиклар сув йўли орқали ташиладиган бўлса, ГОСТ 8560-73 бўйича кенглиги 20 мм, қалинлиги 0,7 мм бўлган пўлат тасма билан ўралган бўлиши керак. Бундай идишга

ўзининг нозик ва синувчанлиги бошқа юмшоқ идишларга, масалан қопларга жойланиси мумкин бўлмаган хом ашё турлари жойланади. Хом ашё яшикларга қуидагича жойланиси мумкин: сочиб (доривор мойчечак гули); қаторлаб ва қаватлаб тахлаб (марваридгул гули); олдиндан темир банкаларга жойланган ҳолда (сигир қўйруқ гули); олдиндан маълум оғирликда тортилиб, қофоз қопчаларга жойланган ҳолда (ликоподий).

Ёғоч яшикларга жойланган хом ашё оғирлиги 30 кг дан ошмаслиги керак.

ГОСТ 15629-83 бўйича гофрокартондан ясалган яшиклар. Хом ашёни бундай яшикларга жойлашдан олдин у ички томондан ГОСТ 2228-81 Е бўйича қоплар тикиладиган қофоз билан ёки ГОСТ 1760-81 бўйича пергаментга ўхшаш қофоз билан ўраб чиқилади. яшик хом ашё билан тўлдирилганда шу қофознинг уни хом ашёни тўлиқ ёпиб туриши керак. Хом ашё тўлдирилган яшиклар ГОСТ 2228-81 Е бўйича М-70 маркали қофоз тасма билан ёки ГОСТ 18251-72 бўйича асоси қофозли елим тасма билан ўраб ёпиштрилади ёки бўлмаса ГОСТ 18251-72 бўйича яшикнинг 2 жойидан ГОСТ 3282-74 бўйича 2 мм диаметрли, пўлат сим билан боғланади.

Гофрокартондан ясалган яшикларга жойланадиган хом ашё оғирлиги 25 кг дан ошмаслиги керак.

## ТАМҒАЛАШ

ГОСТ 17768-80 бўйича истеъмолчи идишларни тамғалаш қуидагича олиб борилади: идишлардаги ёрлиқда вазирлик номи, ишлаб чиқарувчи ташкилот ва унинг молия белгиси, махсулот номи лотин ва рус тилларида, хом ашёнинг максимал рухсат этилган намлиқдаги оғирлиги, истеъмол қилиш қоидалари, сақлаш шароити, регистрация сони, сериясони, яроқлик муддати, нархи. Тамғани идишга трафарет ёрдамида аниқ ва йирик шрифт билан ювилмайдиган бўёқда босилади.

Транспорт идишларини тамғалаш ГОСТ 14192-77 С бўйича қуидаги қўшимча маълумотларни кўрсатиш билан олиб борилади: вазирлик номи,

хом ашё номи, максимал рухсат этилган намлиқда нетто оғирлиги ва брутто оғирлиги, тайёрланган йили ва ойи, партия сони, айни хом ашё турига мөъёрий –техник хужжатлар сони ва катигорияси, қадоқланган хом ашё учун партия сони қўрсатилади.

Хар бир ташиш идишда қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ёрлик қофози бўлиши шарт:

-қадоқланмаган маҳсулот учун жўнатувчи ташкилот номи, хом ашё номи, партия сони, қадоқловчининг фамилияси ёки тартиб рақами, қадоқлаш вақти.

-қадоқланган маҳсулот учун ишлаб чиқарувчи корхона номи, маҳсулот номи, серия сони, яшикдаги қадоқланган бирлик сони, қадоқловчининг фамилияси ёки тартиб рақами, қадоқлаш вақти.

## ТАШИШ

ГОСТ 14192-77 ва ГОСТ 17768-80 бўйича доривор ўсимлик хом ашёси куруқ, тоза, бегона хиди бўлмаган ёпиқ, транспорт воситаларида ташилиши керак. Заарли кучли таъсир этувчи ва эфир мойи сақловчи хом ашё бошқа турдагилардан алоҳида ташилиши керак.

Доривор ўсимлик хом ашёсини идишларга жойлашда қоплар ГОСТ 14961-85 бўйича зигир ип билан камида 2 см оралиқда бўлган чок билан тикилади. Тикилаётганда юқори томонидан ушлаш учун қулай бўлиши учун 2 жуфт “қулоқча”лар қолдирилади. Тозаланмаган қизилмия илдизидан ташқари хамма турдаги хом ашё жойланган қанорлар матога ўраб тикилган бўлади. Қанорлар ташиш учун жуда қулай хисобланиб, илдиз, илдизпоялар (толокнянка сингари майда барглардан ташқари) ва хатто-ки баъзи гуллар (жўка гули)ни идишларга жойлаш учун ишлатиди.

Мато билан қопланмаган қанорларда хом ашёни (масалан қизилмия илдизини) пресслаб, қанорни кўндалангига 4 та жойидан ГОСТ 3560-79 бўйича кенглигига 20 мм, қалинлиги 0,7 мм бўлган пўлат тасма билан тасма билан тортиб боғлаб олинади. Тасма учлари маҳсус темир мосламалари

билин бирлаштирилади. Қанорларга жойланган хом ашё оғирлиги 200 кг дан күп бўлмаслиги керак.

ГОСТ 5959-80 бўйича яхлит тахтадан тайёрланган яшиклар. Хом ашёни бундай яшикларга жойлашдан олдин яшик ички томондан ГОСТ 8273-75 бўйича зичлиги 40-50г/см 53 0 бўлган Б маркали қофоз билан ёки ГОСТ 2228-81 бўйича қоплар тикиладиган қофоз билан ёки ГОСТ 1760-81 бўйича пергаментга ўхшаш қофоз билан ўраб чиқилиши шарт.

Яшик хом ашё билан тўлдирилганда шу қофознинг учу хом ашёни тўлиқ ёпиб туриши, уни яшик қопқоғига тегиб туришдан сақлаши керак. Хом ашё билан тўлган яшиклар қопқоқ билан ёпилиб, михлаб қўйилиши керак. Яшиклар сув йўли орқали ташиладиган бўлса, ГОСТ 8560-73 бўйича кенглиги 20 мм, қалинлиги 0,7 мм бўлган пўлат тасма билан ўралган бўлиши керак. Бундай идишга ўзининг нозик ва синувчанлиги учун бошқа юмшоқ идишларга, масанлан, қопларга жойланиши мумкин: сочиб (доривор мойчечак гули); қаторлаб ва қаватлаб тахлаб (марваридгул гули); олдиндан темир банкаларга жойланган холда (сигирқўйруқ гули); олдиндан маълум оғирликда тортиб қофоз қопчаларга жойланган холда (ликоподий).

Ёғоч яшикларга жойланган хом ашё оғирлиги 30 кг дан ошмаслиги керак.

ГОСТ 15629-83 бўйича гофрокатрондан ясалган яшиклар. Хом ашёни бундай яшикларга жойлашдан олдин у ички томондан ГОСТ 2228-81 Е бўйича қоплар тикиладиган қофоз билан ёки ГОСТ 1760-81 бўйича пергаментга ўхшаш қофоз билан ўраб чиқилади. Яшик хом ашё билан тўлдирилганда шу қофознинг уни хом ашёни тўлиқ ёпиб туриши керак. Хом ашё тўлдирилган яшиклар ГОСТ 2228-81 Е бўйича М-70 маркали қофоз тасма билан ёки ГОСТ 18251-72 бўйича асоси қофозли елим тасма билан ўраб ёпиштирилдаи ёки бўлмаса ГОСТ 18251-72 бўйича яшикнинг икки жойидан ГОСТ 3282-74 бўйича 2 мм диаметрли пўлат сим билан боғланади.

Гофрокатондан ясалган яшикларга жойланадиган хом ашё оғирлиги 25 кг дан ошмаслиги керак.

## **ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИНИ САҚЛАШДА ОМБОРХОНАЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.**

Доривор ўсимлик хом ашёси ва доривор ўсимлик препаратларни меъёр-техник хужжатлар талабларига жавоб берган холда сақлаш керак.

Сақлаш учун ажратилған хоналар куруқ, тоза, яхши шамоллатирладиган, омбор заракунадалари билан заарланмаган, омбор зааркундалари билан заарланмаган, қуёш нурлари тўғри тушмайдиган бўлиши керак.

Қуйидагилар алоҳида хоналарда гурухлар бўйича ажратиб сақланади:

- захарли ва кучли таъсир этувчи хом ашё;
